O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ... PALATA
IV.B.

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 30-DEKABR ■ SESHANBA ■ 154-155 (27.175) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

# ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 29 декабрь куни Оқсаройда Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқиловни қабул қилди.**

Ўзбекистон ва Тожикистон халқларининг дўстлиги кўп синовлардан ўтган. Халқларимиз ҳар доим бир-бирини қўллаб-қувватлаб, яқин қўшничилик алоқаларини мустаҳкамлаб келган. Мустақиллик йилларида эса бу қадим дўстлик ришталари янгича руҳда ривожланяпти.

Мақсадларнинг муштараклиги ва ўзаро ишонч мустаҳкамлиги ҳамкорликни янада юқори поғоналарга олиб чиқиш учун икки томонда мавжуд салоҳиятдан кенгроқ фойдаланишга имконият яратади. Мана шу ҳамфикрлик давлат раҳбарлари даражасидаги музокараларда ҳам, бошқа мулоқотларда ҳам яққол намоён бўлиб келяпти.

Икки мамлакатнинг сиёсий муносабатлари жадал ривожланмоқда. Марказий Осиё хавфсизлиги ва тараққиёти йўлида, экология масалаларида икки ва кўп томонлама асосда изчил ҳамкорлик қилиняпти. Тожикистон мамлакатимизнинг Марказий Осиёни ядро қуролидан холи зона деб эълон қилиш ташаббусини қўллаб-қувватлайди, Халқаро Оролни қутқариш жамғармаси доирасида минтақа давлатлари қаторида Ўзбекистон билан фаол ҳамкорлик қилади.

Ижтимоий, маданий, илмий соҳалардаги алоқалар ҳам изчил ривожланмоқда.

Гарчи ўзаро савдо ҳажми йилдан-йил ошаётган эса-да, ҳали кўп имкониятлар ишга солинмаган. Икки мамлакат Президентлари келишувига биноан бу борадаги ишларни янада жадаллаштириш учун савдо-иқтисодий ҳамкорлик масалалари бўйича ҳукуматлараро қўшма комиссия тузилди. У ўтган йилнинг августида Душанбеда, бу йил февралда Тошкентда мажлис ўтказди. Натижада 2002 йили ўзаро савдо кўрсаткичи аввалги йилдагидан қарийб 10 фоиз ошиб, 116,9 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилнинг ўн ойида эса 122,8 миллион долларга тенглашди.

Оқсаройдаги учрашувда Ўзбекистон — Тожикистон муносабатларига оид долзарб масалалар, жумладан, транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика заҳираларидан фойдаланишда ҳамкорликни янада ривожлантириш юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

✧✧✧

Суратларда: қабул пайти

**Дилшод ЮСУПОВ (ЎзА) олган суратлар**

**ЎзХДП хабарлари**

## СИЁСИЙ ИЖРОҚЎМ МАЖЛИСИ

Жорий йилнинг 27 декабрида Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Марказий Кенгашнинг навбатдаги пленуми билан боғлиқ масалалар кўрилиб, тегишли қарорлар қабул қилинди.

## МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ПЛЕНУМИ ТЎҒРИСИДА АХБОРОТ

2003 йил 27 декабрь куни Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг олтинчи пленуми бўлиб ўтди. Унда **Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг 2004 йилда мамлакатда бўлажак сайловлар ва партияда ўтказиладиган ҳисобот-сайлов мавсуми муносабати билан биринчи галдаги вазифалари тўғрисидаги** масала муҳокама қилинди. Бу ҳақда Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши котиби, партиянинг Олий Мажлисдаги фракцияси раиси Изидор Кочмарик маъруза қилди.

Пленум партиянинг навбатдаги қурултойи ва унинг келаси йили мамлакатимизда бўлажак сайловларга муносиб иштирокини таъминлаш учун олдиндан тайёргарлик кўриш лозимлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон ХДП Низоми ва Дастурига ўзгартиришлар киритиш ҳамда партиянинг сайловолди ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни тайёрловчи **МК комиссиялари** таркибини тасдиқлади.

Пленум партиянинг барча ташкилотлари, аъзолари ва тарафдорларини бундан кейин ҳам ҳамжиҳатликда меҳнат қилиб, Ватан равнақи йўлидаги туб ислоҳотлар ишига муносиб ҳисса қўшишга чақирди.

Пленумда ташкилий масала кўрилди. Абдулҳафиз Жалолов партия Марказий Кенгаши биринчи котиби вазифасидан, ўз аризасига биноан, озод этилди.

Партия Марказий Кенгаши котиби вазифасида ишлаб келган Аслиддин Ашурбоевич Рустамов Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг биринчи котиби этиб сайланди.

Пленумда, шунингдек, Ўзбекистон ХДП Марказий тафтиш комиссияси аъзолари, партиядан сайланган қатор депутатлар ва оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳам қатнашдилар.

Пленум ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Дилбар Ғуломова иштирок этди.

**Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати**

## ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИДА ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

Жойларда халқ депутатлари вилоятлар кенгашларининг навбатдаги сессиялари бўлиб ўтмоқда. Уларда вилоятларни ривожлантиришнинг жорий йилдаги якунлари таҳлил этилиб, келгуси режалар белгилаб олинмоқда.

**НАВОИЙ.** Вилоят ҳокими Б.Рўзиев бошқарган сессияда бюджетнинг даромад қисми 104 фоизга уддаланиб, ўтган йилги кўрсаткичлардан анча ошгани таъкидланди. Шу боис янги йилда даромаднинг 50 фоизини халқ таълими ва соғлиқни сақлаш тизимига йўналтириш таклиф этилди.

Ҳозир вилоятда ўн минг 609 кичик ва ўрта бизнес субъекти фаолият юритмоқда. Аммо уларнинг ялпи маҳсулот ишлаб чиқаришдаги улуши кўнгилдагидек эмас. Тадбиркорлар йўлидаги тўсиқлар тўла-тўкис бартараф этилгани йўқ. Жумладан, кредит ажратишда муаммолар талайгина.

Болалар спортини оммавийлаштириш борасида амалга оширилган ишлар кўлами кенг. Бу йил Хатирчи ва Қизилтепа туманларида учта янги спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. Навоий, Зарафшон, Учқудуқ шаҳарларидаги ўндан ортиқ спорт иншооти қайта таъмирланди. Бироқ, бу соҳада ҳам камчиликлар йўқ эмас. 6-17 ёшдаги болаларнинг 25,6 фоизигина спорт машғулотларига жалб этилган, холос.

2-бет

## ТОЖИКИСТОН БОШ ВАЗИРИНИНГ ТАШРИФИ

**29 декабрь куни Тожикистон Республикаси Бош вазири Оқил Оқилов амалий ташриф билан Ўзбекистонга келди.**

Икки мамлакат Президентларининг келишувига биноан ҳар йили Тошкентда Ўзбекистон ва Тожикистон ҳукумат делегацияларининг кенг музокарасини ўтказиш ва келгусидаги ҳамкорликнинг амалий жиҳатларини белгилаб олиш яхши анъанага айланган.

Ўзбекистон Бош вазири Шавкат Мирзиёев ва Тожикистон Бош вазири Оқил Оқиловнинг музокарасида мамлакатларимиз кўплаб соҳаларда фаол ҳамкорлик қилиб келаётгани мамнуният билан таъкидланди. Ислом Каримов ва Имомали Раҳмонов ўртасида эришилган келишувларни рўёбга чиқариш, Президентларнинг ҳамкорликни ривожлантиришга доир таклиф-тавсияларини ҳаётга татбиқ этиш масалаларига бағишлаб ўтказилаётган бундай амалий мулоқотлар икки давлат манфаатларига хизмат қилиб, ўзаро муносабатлар ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқда.

Бош вазирлар раҳбарлигидаги ҳукумат делегацияларининг музокарасида транспорт коммуникациялари ва сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланишга оид масалалар муҳокама этилди. Томонлар савдо-иқтисодий муносабатлар кўламини ошириш борасида фикр алмашди.

Учрашувлар якунида Ўзбекистон ва Тожикистон ўртасида 2004 йилда юк ташиш, газ ва ёқилғи мойлаш маҳсулотлари етказиб бериш ҳамда давлат қарзлари бўйича ўзаро ҳисоб-китоб ҳамда келаси йили сув-энергетика заҳираларидан унумли фойдаланиш соҳасида ҳамкорлик тўғрисидаги ҳукуматлараро битимлар имзоланди.

Тожикистон Бош вазири «Ўзэкспомарказ»да «Ўзбекистон Республикасининг иқтисодий салоҳияти» мавзуидаги кўргазма билан танишди.

Ушбу ташриф доирасида икки мамлакат ташқи сиёсат маҳкамалари раҳбарлари Содиқ Сафоев ва Толбак Назаровнинг музокараси ҳам бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон ва Тожикистоннинг минтақавий хавфсизлик ва халқаро ташкилотлар доирасидаги ҳамкорлигига оид масалалар юзасидан фикр алмашилди.

**(ЎзА)**

**Оила ва спорт**

## ИБРАТ — ЭНГ ЯХШИ ТАРҒИБОТ

ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАР ХУСУСИДА ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

**Оммавий спортнинг бугунги аҳволи: ютуқ ва муаммолар. Болалар спортининг ривожи кимга ва нималарга боғлиқ? Ота-она ва раҳбарнинг гапи қачон таъсирчан бўлади?..**

2-бет

## ЗИЛЗИЛАДАН ЖАБРЛАНГАНЛАРГА ЁРДАМ

Шу йилнинг 26 декабрь куни Эрон Ислом Республикасининг Керман вилоятида Рихтер ўлчови бўйича 6,7 балл кучга эга дахшатли зилзила юз берди. Эрон ахборот агентлиги — ИРНАнинг хабар беришича, зилзила маркази Бам шаҳри атрофида бўлган.

Шаҳарда барча биноларнинг 90 фоизи вайрон бўлган, энергия, сув таъминоти, телефон алоқаси узилиб қолган. Эртаси куни тонгдаёқ мутахассислар томонидан амалга оширилган дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, табиий офат 20 мингдан ортиқ кишининг умрига зомин бўлган ва 50 мингга яқин киши жароҳатланган. Бироқ, ИРНА томонидан тарқатилган Эрон фавқулодда вазиятлар штаби ҳузуридаги ахборот маркази баённотида вафот этганларнинг расмий сони ҳали маълум қилинмагани, ҳозир асосий вазифа вайронолар остида қолганларни қутқариш, жабр кўрганларга ёрдам кўрсатиш ва жароҳатланганларни бошқа жойга кўчириш эканлиги таъкидланади.

Кермандаги фожиа бутун дунёдаги одамлар қалбида акс-садо берди. Ўзбекистонликлар ҳам бефарқ тура олмади, зеро халқимизнинг энг яхши фазилатларидан бири ҳамдардлик, ёрдамга муҳтожларга кўмаклашишга интилиш бўлиб келган. Бу анъананинг мантиқий давоми — Ўзбекистонда 2004 йилнинг Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинишидир. Шу боис Эрондаги зилзиладан сўнг, Президент Ислом Каримов топшириғига асосан, Керман вилоятидаги жабр кўрганлар учун мурувват ёрдами ҳозирланмоқда.

Бу ёрдам таркибига бундай кенг кўламли фожиалар оқибатидан кўпроқ даражада азият чекадиган болалар учун барча зарур нарсалар киритилган. «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг махсус рейси билан Керманга иссиқ адёллар, болалар кийимлари ва пойабзаллари, озиқ-овқат маҳсулотлари етказилади. Мурувват ёрдамини шакллантиришда кўпгина вазирликлар, идоралар, корхоналар, жамоат бирлашмалари ва жамғармалар иштирок этмоқда.

**А. ИВАНОВА, ЎзА мухбири**

## ПРЕЗИДЕНТ АРЧАСИ

Мана, ўн бир йилдирки, давлатимиз раҳбари ташшабуси билан Янги йил арафасида кўп болали оилалар фарзандларига, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига меҳр-мурувват кўрсатиш, совғалар улашиш тадбири ўтказиб келинмоқда.

Кеча пойтахтимиздаги муҳташам «Туркистон» саройида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Алишер Азизхўжаев болаларни Юртбошимиз номидан Янги — 2004 йил билан самимий қутлади.

2004 йилнинг «Меҳр ва мурувват йили» деб эълон қилиниши муносабати билан бу йилги байрам ўзгача руҳ билан ўтмоқда. Катта арча атрофида қувноқ куй-қўшиқлар янгради. Қорбобою Қорқиз, турли эртаклар қаҳрамонлари болажонларга яхши кайфият, қувонч улашдилар. Болакайлар эса завқ-шавқка тўлиб, шеър, ашула айтишди ва шўх-шодон рақсга тушишди.

— Президентимиз бизнинг ғамхўримиз. Бугунги арча байрамида ҳаммамизга Президентимизнинг кўп совғаларини беришди, — дейди Тошкентдаги 24-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Зулайҳо Қодирова. — Менга ҳам берилган совғалар, ўйинчоқлар, ҳар хил ширинликлар жуда ёқди. Мен шеърлар айтдим. «Янги йилда нимани ният қилсанг, ўша ниятингга етасан» дейишувди. Мен зўр одам бўлишни ният қилдим, — дейди жажжи Дилшоджон Абдуллаев.

— 31-Меҳрибонлик уйиданман, — дейди Николай Майоров. — Президентимиз бизга ғамхўрлик кўрсатмоқда. Мен «Президент арчаси»да 3 йилдан бери қатнашаман. Ҳар доим жуда хурсанд бўламан.

Ҳа, бундай қувноқ, ҳаяжонли дамлар кичкинтойлар ҳаётида бир умр муҳрланиб қолади.

«Президент арчаси» тантаналари барча вилоятлар ва Қорақалпоғистон Республикасида ҳам давом этади.

**Зайниддин МАМАДАЛИЕВ**

**Суратларда:** «Президент арчаси» томошаларидан лавҳалар.

**Ш. АКРАМОВ, С. ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар**

## ЎЗБЕКИСТОН — БУЮК БРИТАНИЯ ЖАМИЯТИ РЕЖАЛАРИ

**Лондонда жорий йил якунлари ва 2004 йил стратегиясини ишлаб чиқишга бағишланган Ўзбекистон — Буюк Британия жамияти бошқарувининг йиллик мажлиси бўлиб ўтди.**

Бошқарув жамиятнинг хайрия ташкилоти расмий мақомини олиш тўғрисида қарор чиқарди. Шу муносабат билан тегишли ҳужжатлар ҳам тайёрланди. Жамият раиси Х.Бут яқин келажакда жамият ҳисобига навбатдаги хайрия маблағи келишини ва у Қорақалпоғистондаги қатор мактаблар эҳтиёжларини қондиришга йўналтирилишини ҳамкасбларига маълум қилди.

Мажлис давомида ташкилий масалалар — жамият аъзоларини кўпайтириш, жамият фаолиятини Буюк Британия ва Шимолий Ирландия ҳудудларига ёйиш ҳақида фикр алмашинди. Айни пайтда бошқарув корпоратив аъзоларини кенгайтириш, хусусан, бу ишга «Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси ва сайёҳлик компанияларини жалб этиш бўйича қарор қабул қилди.

Мажлис якунида Ўзбекистон Республикасининг Буюк Британиядаги элчихонасида миниатюралар рассоми А. Каримовнинг шахсий кўргазмасининг очилиш маросими бўлди.

**«Жаҳон» АА**

***Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг кўп минг сонли аъзолари ва тарафдорларини, барча ватандошларимизни кириб келаётган 2004 йил билан чин юракдан қутлаймиз.***

***Янги йил мамлакатимиз, халқимиз учун омадли, олиб борилаётган ислоҳотлар учун самарали, ҳар бир юртдошимиз учун саодатли йил бўлсин!***

***Янги йилингиз муборак бўлсин, азиз дўстлар!***

**Ўзбекистон ХДП МК Сиёсий ижроия қўмитаси**

«QUBBOMEBEL» HONADONINGIZ FAYZI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ

**Оила ва спорт**

# ИБРАТ — ЭНГ ЯХШИ ТАРҒИБОТ

## ОММАВИЙ СПОРТНИ РИВОЖЛАНТИРИШГА ТЎСИҚ БЎЛАЁТГАН АЙРИМ МУАММОЛАР ХУСУСИДА ШАХСИЙ МУЛОҲАЗАЛАР

Ўтган ҳафта охирида республикамиз Олий Мажлиси Оила ва аёллар муаммолари комиссияси шу куннинг энг долзарб масалаларидан бири — «Маҳалла ва спорт: Оилавий спорт ютуқлари ва муаммолари» мавзуида илмий-амалий конференция ўтказди.

Олий Мажлиснинг Оила ва аёллар муаммолари комиссияси раиси **Ш. Салимова**нинг кириш сўзи, Давлат жисмоний тарбия ва спорт қўмитаси раиси **К.Юсупов**, республика ички ишлар вазири ўринбосари **А.Усмонов**, «Маҳалла» жамғармаси раиси **А.Гадойбоев** маърузалари спортнинг соғлом авлодни тарбиялаш, миллат генафондини яхшилаш, ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялашдаги аҳамиятига бағишланди. Кейинги бир йил давомида бу соҳада сезиларли ўзгаришлар бўлаётгани таъкидланди.

Тўғри, Президентимизнинг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида»ги Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори ижроси бўйича айтаман десак, арзигулик ишлар қилинди. Маърузаларда айтилганидек, республика оилавий спорт мусобақаларида 50 мингдан ортиқ оила иштирок этиб, биринчи ўрин Қашқадарё вилояти Муборак тумани «Машъал» маҳалласида истиқомат қилувчи Ёмғировлар оиласига, 2-ўрин Жиззах вилояти Зарбдор шаҳридаги «Тинчлик» маҳалласида яшовчи Барноевлар, 3-ўрин Андижон вилояти Қўрғонтепа туманидаги «Янги ҳаёт» маҳалласининг Юсуфжоновлар оиласига насиб этди.

**«Республикамиз маҳаллаларида фаолият кўрсатаётган 3388 та милиция таянч пунктларидан 2021 таси ёки 59,7 фоизи атрофида спорт майдончалари мавжуд бўлиб, 7339 нафар педагог-тарбиячи штатларига ўз ишининг фидойилари жалб қилинмоқда».**

Соғлиқни сақлаш вазирлиги, «Оила» илмий-амалий маркази, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ва бошқа идораю ташкилотлар амалга оширган ишлар ҳақида ҳам кўплаб рақамлар, ҳисоботлар келтириш мумкин. Бир қарасанг, бу кўрсаткичлар кўнгилни кўтаради, «эҳ-ҳе... қисқа муддатда шунча иш қилинибди-я», дейсан беихтиёр. Аммо, олдинда турган ишлар, қат-қат бўлиб ётган, ҳали чанги-ғубори тўкилмаган муаммоларни ўйласак, мақтанишга, хотиржам бўлишга анча қовун пишиғи борлигига ишонч ҳосил қиламиз. Кўзлаган мақсадимиз чўққига чиқиш бўлса, биз ҳозирча унинг этагида юрганимизни англаймиз.

Конференцияда камчилик ва муаммолар, уларни бартараф этиш ҳақида кўпгина фикр-мулоҳазалар айтилди. **«Айрим вилоятларда, маҳаллаларда спорт майдончалари ташкил этиш ва уларни спорт анжомлари билан таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмаётгани сабабли республикада жами 1367 та спорт майдончалари шу кунгача ташкил этилмаган. Шунингдек, республикада вояга етмаганларнинг 75 фоизи турли тўгаракларга, жумладан, спорт секцияларига жалб этилмасдан қолмоқда...**

**Маҳаллаларда бевосита ёшларни тарбиялаш, бўш вақтларини мазмунли ўтказиш, улар орасида оммавий спорт тадбирларини олиб бориш каби вазифаларни бажарувчи педагог-тарбиячиларнинг лавозимига тайинлаш талаб даражасида эмас. Натижада республикада 403 та педагог-тарбиячи лавозимлари бўш ётибди».**

Маълумки, спорт ёшларни эгри йўллардан, ёмон кучлар таъсиридан асрайди. Кўча-кўйда бекор юрган бола кўп ҳолларда жиноятчилик кучасига кириб қолади. Конференцияда шундай маълумот келтирилди:

**«Республикада содир этилган жиноятларнинг 85 фоизи оилавий спортга, тўгаракларга жалб этилмаган, дарсдан сўнг маҳаллаларда бўш юрган болалар ва ўсмирлар томонидан содир этилган.**

**2003 йилнинг ўтган ўн бир ойи даврида вояга етмаганлар томонидан гиёҳвандлик билан боғлиқ бўлган жиноятлар ўсган. Шунингдек, жорий йилда 43 минг 54 нафар вояга етмаганлар (уларнинг 26 минг 743 нафари умумтаълим мактабларида, 2 минг 679 нафари касб-ҳунар коллежи ва лицейлари ўқувчилари, 11 минг 400 нафари эса ҳеч қаерда ўқимайдиган ва ишламайдиганлар) турли даражада ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун ички ишлар идораларига келтирилган. Уйдаги муҳитнинг ёмонлигидан, ота-онанинг салбий муносабатларидан безор бўлган 4 мингга яқин вояга етмаганлар доимий равишда уйидан қочиб кетадиган бўлиб қолган».**

Шу ўринда бироз тўхтаб, ўйлаб кўрайлик: бу болаларнинг тақдири эртага нима бўлади, агар улар жиноятчи, ёвуз кучлар таъсирига тушиб қолса, қандай оқибатларга дуч келамиз? Бундан энг аввало ким зиён кўради?.. Сизу биз эмасми, жамият эмасми, давлат эмасми?..

Кўчада қаровчисиз, назоратсиз қолган ҳар бир бола эртага бахтсиз инсонга айланади. Унинг бахтсизлиги фақат ўзи билангина боғлиқ бўлмайди, балки атрофдаги одамлар билан, жамият билан боғлиқ бўлади. Агар ҳозир бундай ҳолларга эътиборсиз қарасак, лоқайд бўлсак, эртага унинг жабрини тортишни бўйнимизга олган бўлмаймизми?..

Ёшларни ёмон йўллардан асрашнинг энг самарали воситаларидан бири — бу спорт эканлиги ҳаётда минг карра исботланган. Конференцияда оилавий спортни ривожлантириш ота-онага, аҳолининг тиббий саводхонлиги ва умумжисмоний маданиятига боғлиқ эканлиги ҳақида фикрлар билдирилди. Масалан, ота-она ўз фарзандини неча ёшдан спортнинг қайси турига олиб боришини биламаслиги, аксарият мактаб ва ўқув юртларида жисмоний тарбия дарслари болаларнинг жисмоний ривожланиши даражасини ўрганмай туриб олиб борилиши, бундай ҳолатлар болаларни жисмоний зўриқтиришга, спортдан безишга олиб келиши ҳақида баҳс-мунозаралар бўлди.

**«Биргина Республика спорт травмаси марказига 2002 йилда жами 890 марта спорт жароҳати билан мурожаат қилинган. Улардан 325 таси стационар шароитда даволанган, 220 нафари операция қилинган...**

**Ўқитувчилар болаларни жисмоний ривожланиш даражасига эътибор бермасдан ҳамма боладан бир хил тарзда жисмоний дарс меъёрларини талаб қилиш оқибатида болаларда турли хил ортопедик касалликлар — умуртқа поғонасининг қийшайиши, бўғинлар артрози, кўкрак қафаси демформациялари, шунингдек, юрак қон-томир системасида зўриқиш ҳоллари рўй бериб, оғир асоратлар қолдириши мумкин».**

Демак, болаларимизни қайси спорт турига бериш учун, аввало уларни тиббий кўрикдан ўтказиб, врач маслаҳатини эшитиб, сўнгра хулоса чиқаришимиз лозим бўлади.

Ҳеч бир ота-она ўз фарзанди нимжон ёки касалманд бўлишини истамайди, ўғиллари соғлом, довюрак, полвон бўлиши, қизлари дуркун, гўзал бўлишини хоҳлайди. Шу мақсадда «вақтида овқатлан, совуқ сув ичма, совуқда бошяланг юрма», дея жони ҳалак бўлади. Афсуски, спорт саломатликнинг энг яхши, самарали воситаси эканлигини кўпчилик ҳали-ҳамон англаб етмаганга ўхшайди. Ота-оналар стадионга, спорт майдончасига бориш касалхонаю дорихонага югуришдан афзаллигини ўйлаб кўришмаяпти чоғи. Спорт-саломатлик гарови, спорт жисмоний баркамолликка элтади, соғ танда — соғлом ақл, спорт миллий генафондни яхшилайди, ёшларни ватанпарвар этиб тарбиялайди... бу каби гаплар маъно-мазмунини ҳамма ҳам тушунаяптими? Ота-она спорт билан шуғулланган бола саломатлиги, юриш-туришида қандай ижобий ўзгаришлар бўлиши, бола нафақат жисмонан, балки маънавий жиҳатдан ҳам соғлом, баркамол бўлишига ишонадими?

«Оила» илмий-амалий маркази ота-оналар ўртасида фарзанд соғлом бўлиши учун уни қандай парвариш қилмоқ керак, деган савол билан тадқиқот ўтказган. Ота-оналарнинг 18,4 фоизи болалар саломатлигини уларнинг овқатлантириш қоидалари ва вақтида дам олиши, тиббий кўрикдан мунтазам ўтказиб турилиши, спорт билан шуғулланишга боғлиқлилигини кўрсатган. Кўпчилик оилаларда (34,8 фоиз) фарзанд саломатлигида жисмоний тарбия, спортнинг аҳамияти ҳақида тасаввур жуда суст. Фақат ота-оналар эмас, балки идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам масалага энди-энди жиддийроқ эътибор бера бошлашди. Спорт соҳасини илмий ўрганиш, кенг жамоатчиликка мўлжалланган тавсиялар ишлаб чиқишга энди киришиляпти. Масалан, «Мен боламни қайси спорт турига берсам экан?» деган савол билан ота-оналар бир-бирларига мурожаат қилиб қолишади. Бу саволга ҳамма ҳар хил жавоб беради: «Боланинг қизиқишига қаранг», «Фалон спорт турига беринг, кўп пул топадиган бўлади», «Фалон спорт тури яхшироқ, жароҳат кам олади»...

Дарҳақиқат, қайси спорт тури қайси ёшдагилар учун маъқул, қайси спорт тури қизларбоп?.. Бу каби саволларга фақат илмий асосланган хулосалар билангина жавоб бериш мумкин. Бунинг учун йиллар давомида ўзимизда илмий изланишлар олиб бориш тақозо этилади. Дунёдаги ривожланган мамлакатларда кўплаб илмий ишлар, методик қўлланмалар ишлаб чиқилган. Улар тажрибаларидан фойдаланиш мумкин. Лекин, фикримча, АҚШ, Лотин Америкаси ёки Европадаги одам билан Осиёдаги одам танасига бир хил талаб қўйиш, бир хил натижа кутиш унчалик тўғри бўлмайди. Устига-устак иқлим шароити, миллий рух, урф-одатларни ҳам ҳисобга олишга тўғри келади.

Шу ўринда айримларни адаштираётган яна бир масала — бу **спорт** ва **оммавий спорт** ёки **жисмоний тарбия**нинг фарқи. Катта спорт ва оммавий спортнинг ўз мақсадлари бор. Биринчисида чемпионлик учун, рекорд учун расмий мусобақаларда кураш олиб борилади. Унинг масъулияти, юки жуда оғир. Оммавий спорт соғломлаштириш билан боғлиқ. Бунда катта куч, меҳнат талаб қилинмайди. Ҳар ким ўз қизиқиши, имкони, хоҳиши даражасида қатнашади. Оғир машқлар талаб қилинмайди. Жисмоний тарбия ёки бадан тарбияни эса ҳовлида, уйда, оддий бўш жойда бажариш мумкин. Одатда эрталаб 10-15 минут шуғулланилади.

Жисмоний тарбия ёки оммавий спорт ҳар бир оилада турмуш тарзига айланса, ҳар бир одам учун сувдек, ҳаводек заруратга айланса, ҳозир инсоният ўзига азоб бераётган касалликларнинг, жамият эса содир бўлаётган жиноятларнинг кўпидан халос бўлиши аниқлиги дунё тажрибасида аллақачон аниқланган.

Оммавий спортни ривожлантириш оғир кечаётганининг асосий сабабларидан бири, менимча, одамлар онгида спортга муносабат секин ўзгараётганида. Спортнинг инсон саломатлиги, ижтимоий муаммоларни ҳал этишдаги, меҳнат унумдорлигини оширишдаги, ватанпарварлик туйғусини кучайтиришдаги, жиноятчиликнинг олдини олишдаги, киши иродасини тоблашдаги, дўстликни мустаҳкамлашдаги... яна кўплаб ҳаётий масалалардаги бебаҳо фойдасини билган одамга спортни тарғибот қилиш шарт эмас албатта. Афсуски, спортнинг бу хосиятларини кўпчилик ҳали чуқур тушуниб олмаган. Яқинда Вазирлар Маҳкамасининг «Оммавий спорт тарғиботини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган қароридан кўзланган мақсад ҳам шу — оммавий спортнинг инсон, оила ва жамиятдаги роли, ёшларнинг жисмоний ва маънавий тарбиясидаги аҳамиятини тарғибот қилиш. Чунки, одамлар спортнинг аҳамиятини тушунмаса, икки қадам наридаги спорт залига ҳам бормайди. Агар хоҳиш бўлса эрта тонгда туриб, кўча ёки хиёбонда, яқин-атрофдаги мактаб спорт майдончасига чопади.

Тарғибот ҳақида гап кетганда аччиқ бир ҳақиқатни тан олишимиз керак деб ўйлайман. Назаримда, биз шўро замонида ҳукм сурган эскича усуллар, яъни таъсирсиз насиҳатлар, қуруқ маърузалардан ҳамон воз кечмаётганимиз сабабли тарғиботимиз кўзланган самарани бермаётир. Бу ўринда ота-боболаримиздан қолган, замонлар оша ҳақлигини қайта-қайта исботлаб келаётган миллий удумларимиздан фойдаланиш яхши самара беради, деб ўйлайман. Бизда, Шарқда ота ўз ўғлига, она ўз қизига қуруқ панд-насиҳат бермаган. Улар ахлоқ-одоб, кўни-қўшнига муносабат, уй-рўзғор ишлари, меҳмон кутишда... ўз шахсий ибратлари билан фарзандларига тарбия беришган. Агар ота-она ўз фарзандига бирор масалада насиҳат берсаю ўзи ҳаётда бунга амал қилмаса, насиҳати уч пул бўлмайдими? Халқимизда «Куш уясида кўрганини қилади», деган доно ҳикмат бор. Ота-онанинг ўзи жисмоний тарбия ёки спорт билан шуғулланса, болаларни ортиқча ташвиқот қилиш шарт эмас.

Афсуски, бизда «мулланинг айтганини қил, қилганини қилма», деган мақолни кўпроқ ишлатишга тўғри келади.

Тасаввур қилинг, бирор жамоа, корхона ёки туман раҳбари халқни тўплаб, спортнинг аҳамияти ҳақида вазхонлик қилсаю ўзи шуғулланмаса... Табиийки, одамлар унинг гапини қабул қила олмайди. Улар кўнглида «Унда ўзинг нега шуғулланмаяпсан?» деган қайсар савол айланаверади. Агар ўзимиз гапириб, ўзимиз спорт билан шуғулланмасак, нима деган одам бўламиз?

Бу гаплар биз спорт мавзуида ёзаётган журналистларга ҳам тегишли албатта. Ахир, бировга нима ҳақдадир гапиришдан аввал «шу гапни айтишга маънавий ҳаққим борми?» деб ўйлаб кўришимиз керак эмасми. Айримлар вақт танқислигини баҳона қилиши мумкин. Лекин, юракдан хоҳланса ҳар бир нарсага вақт топилади. Масалан, чойхонага, улфатчиликка, бошқа ҳар хил давраларга вақт топамизку... Вақт етади, фақат хоҳиш, кўникма, жисмоний маданият, шахсий ибрат етишмайди десак, тўғрироқ бўлади. Шахсий ибрат эса бизнингча энг таъсирчан тарғибот ҳисобланади.

**Сафар ОСТОНОВ**

# ВИЛОЯТ КЕНГАШЛАРИДА ЙИЛ ЯКУНЛАРИ

**(Давоми. Боши 1-бетда.)**

**БУХОРО.** Сессияда ислоҳотларни изчил амалга ошириш, халқнинг турмуш фаровонлигини янада яхшилаш ва барқарорликни таъминлаш борасида олиб бораётган ишлар муҳокама этилди. Уни вилоят ҳокими С.Ҳусенов бошқарди.

Вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида йил давомида муайян ишлар бажарилди. Транспорт, алоқа ва маиший хизмат кўрсатиш тизимида юқори кўрсаткичларга эришилди. Қўшма корхоналар сони олтмишга яқинлашиб қолди.

Қишлоқ хўжалигида ҳам сезиларли ютуқларга эришилди. Давлатга пилла, ғалла ва пахта сотиш шартнома режалари ортиғи билан уддаланди.

Сессияда мавжуд камчилик ва муаммолар хусусида ҳам гап борди. Аҳолининг коммунал тўловлардан қарзи анча юқори. Иш ҳақи, пенсия ва стипендияларни тўлашдаги қийинчиликлар ва банкларда нақд пул танқислигининг олдини олиш борасидаги ишларни кўнгилдагидек деб бўлмайди.

**ТЕРМИЗ.** Вилоят ҳокими Т.Қодиров бошқарган сессияда таъкидланганидек, бу йил қишлоқ хўжалиги учун анча баракали йил бўлди. Пахтачилик, ғаллачилик ва пиллачиликда сезиларли ютуқларга эришилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари тайёрлаш ҳажми 5,6 фоизга ўсди.

Пахтачиликдан йигирма бир, ғаллачиликдан эса етти миллиард сўм соф фойда олинди. Президентимизнинг «Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида»ги ҳамда «2004-2006 йилларда фермер хўжаликларини ривожлантириш концепцияси тўғрисида»ги Фармонларига биноан вилоятда фермерчилик ҳаракатига янада кенг йўл очиб берилди. Мавжуд 4 минг 404 фермер хўжалигига экин майдонининг 27,5 фоизи ажратилган. 2004 йилда бу кўрсаткич янада ортади. Чунки, паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган 22 ширкат хўжалиги ерлари фермерлар ихтиёрига берилади.

Сессия иштирокчилари маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ундан оқилона фойдаланиш, солиқ тушумларини такомиллаштириш, ижтимоий соҳаларни ривожлантиришга ҳам эътибор қаратдилар. Ер ости бойликларидан тежамкорлик билан фойдаланиш, транспорт хизматини яхшилаш ва янги иш ўринлари яратиш ҳақида ҳам фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Сессияда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Р.Азимов қатнашди.

**САМАРҚАНД.** Сессияни вилоят ҳокими Р.Холмуродов бошқарди. Унда Президентимизнинг халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқида қўйилган вазифалар, шунингдек, вилоятни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишлари, маҳаллий бюджетнинг 2003 йилдаги ижроси ва 2004 йилги асосий кўрсаткичлари параметрларига оид масалалар муҳокама этилди.

Вилоятда бу йилги даромадлар режаси ошириб бажарилиши кутилмоқда. Бунинг боиси — қишлоқ хўжалигида маҳсулдорликнинг ошиб, ерга ва мулкка эгалик ҳиссининг мустаҳкамланаётганидадир. Аммо барча соҳада ҳам ишлар кўнгилдагидек деб бўлмайди. Жойларда, айниқса, қишлоқлардаги ташаббускорликни янада жонлантириш лозим. Айрим йирик саноат корхоналари бозор иқтисодиёти шароитида ишни янгича ташкил этиш, рақоботбардош маҳсулот ишлаб чиқариш борасида замон талабидан орқада қолмоқда. Кичик ва ўрта бизнесни ривожлантиришдаги камчиликларга ҳам тезда барҳам бермоқ лозим.

Сессияда кўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

**(ЎзА)**

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

**Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2003 йил 30 декабрдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек божхона ва бошқа мажбурий тўловлар учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:***

| | | | |
|---|---|---|---|
| 1 Австралия доллари | 727,06 | 1 Польша злотийси | 261,33 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 1738,42 | 1 СДР | 1445,63 |
| 1 Дания кронаси | 163,91 | 1000 Туркия лираси | 0,69 |
| 1 БАА дирхами | 266,83 | 1 Швейцария франки | 782,44 |
| 1 АҚШ доллари | 980,00 | 1 ЕВРО | 1219,81 |
| 1 Миср фунти | 159,09 | 10 Жанубий Корея вони | 8,16 |
| 1 Исландия кронаси | 13,58 | 10 Япония иенаси | 91,59 |
| 1 Канада доллари | 745,70 | 1 Россия рубли | 33,50 |
| 1 Хитой юани | 118,40 | 1 Украина гривнаси | 183,81 |
| 1 Малайзия ринггити | 257,93 | | |

*** Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.**

# ЭКОЛОГИК ТАРБИЯ — ИҚТИСОДИЁТНИНГ ТАЯНЧ МАНБАЛАРИДАН БИРИ

**Сув — ҳаёт**

Хабарингиз бор, 2003 йил Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан «Чучук сув йили» деб эълон қилинди. Муаммо БМТ миқёсида кўтарилган экан, демак, унинг моҳият-эътибори ҳам чексиз. Зеро, «Сув — бу ҳаёт» деб бекорга айтилмаган.

Биласиз, бугунги кунда ер юзининг 4/1 қисми қуруқлик бўлса, қолган 3 қисми сув билан қопланган. Баъзилар дунё океанларидаги сувни назарда тутиб, уни битмас-туганмас деб тушунишади. Лекин бу сувлар-ичиш ва фойдаланишга яроқсиз. Унинг бор-йўғи 2,5 фоизигина чучук сув, истеъмолга яроқли, холос. 2020 йилга бориб чучук сувдан фойдаланиш ҳозиргига нисбатан 40 фоизга ошади. Бугун жаҳонда 1 миллиарддан ортиқ аҳоли чучук сувга муҳтож.

Ва яна бир рақам: ҳар йили 2 миллион икки юз минг киши ифлос сувдан заҳарланиб ҳаётдан кўз юммоқда. Ўртача бир йилда бир киши 4 минг литрдан 25 минг литргача сув сарф қиларкан. Буларнинг ҳаммасини ҳисоб-китоб қиладиган бўлсак, вақтимиз етмаслиги ҳам мумкин. Минглаб кишилар ҳар куни ўзларига керакли сувни анчайин масофадан ташиб ишлатади. Бундан келиб чиқадики, табиий ва биологик жиҳатдан тоза сувдан фойдаланиш жаҳонда энг актуал муаммолардан бири.

Бугунги кунда давлатимиз сиёсатида баркамол авлодни тарбиялашдек катта мақсадлар қўйилган экан, энг аввало, ёшларга табиий бойлик — чучук ва тоза сувни ҳам асраш, тежаш, қадрига етишдек инсоний фазилатларни сингдиришимиз жуда-жуда зарур бўлиб турибди.

Болалар учун ҳар бир нарсага муносабат дастлаб оилада шаклланади. **«Оила — жамиятнинг негизи. Бунда ўзаро ҳурмат ва қаттиқ тартиб-интизом бўлмаса, оиланинг барча аъзолари ўз бурчларини адо этмаса, бир-бирига нисбатан меҳр-оқибат кўрсатмаса, яхши яшаш мумкин эмас»** деган эди Юртбошимиз «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» китобида.

Ота-оналар табиат инъомларини — сув ва уни тежаш сабоқлари ҳақида фарзандларини ўртасида доимий равишда суҳбатлар ва тушунтириш ишлари олиб борсалар, нур устига аъло нур бўларди. Бундай суҳбатлар уларнинг ҳақиқий уй эгаси, чинакам хўжалик юритувчи бўлишига ҳам ёрдам беради.

Тарбиявий ишлар кейинчалик мактабларда, ўқув муассасаларида ҳамкорликда олиб борилса, янада мақсадга мувофиқ бўларди. Масалан, бошланғич синфларда тоза ичимлик сувини тежаш ҳақида гап юритилса, юқори синфларда эса унинг халқ хўжалигидаги аҳамияти ҳақида кўпроқ мушоҳада қилмоқ ўринли. Чунки айни кезларда тоза ичимлик сувини тежаш — бутун дунё бўйича муаммо бўлиб турган бир пайтда, баъзи маҳалла ва хонадонларда уни ортиқча сарфлаш, жўмраклардан оқизиб қўйиш, машиналар ювиш, ҳовлилардаги экинларни суғориш ҳоллари учраб турибди.

Келинг, таҳлилга ўтайлик: бир кунда агар ҳар бир оила аъзоси 15 литрдан сув тежаса, ҳар бир хонадонда ўртача 750 литр тоза ичимлик сув тежалади. Агар бу кўрсаткич бир ойга кўпайтирилса, 2250 литр, бир йилда 28 тонна сув тежаб қолинаркан. Бу рақамларни 10 оила миқёсида — 280 тонна, 100 оила миқёсида — 2800 тонна, 1000 оила миқёсида — 28 минг тонна, 10 минг оила миқёсида — 180 минг тонна, 100 минг оила миқёсида 2 миллион 800 минг тонна тоза ичимлик суви дейиш мумкин. Агар уларни чексиз давом эттираверсангиз, (Ўзбекистон аҳолиси миқёсида) буюк бир дарё суви тежалган бўларди.

Яна бир таҳлил: 1 литр тоза ичимлик сувини тайёрлаб, уни қувурлар орқали хонадонларга етказиб бергунча давлатимизнинг анчамунча пули харажат қилинади. Уни сарфланган хизматлар ва қўшиладиган ҳар бир тонна хлор нархи билан бирга ҳисоб-китоб қилсангиз, 1 литр сув давлатимиз учун қанчалар қимматга тушаётганини англаб оласиз. Ёки айни шу рақамларни 1 тонна, 10 тонна ва 100 тонна деб ҳисоблаб кўринг, сарфланаётган пулни кўз олдингизга келтира оласизми?

Халқимиз қадимдан тоза сувга юксак ҳурмат билан қараган. Ҳатто «Авесто» китобида ҳам ер, сув, ҳаво ва ўсимликлар одамлар томонидан доимо эъзозланганлиги айтилади. Табиий тоза сув оқиб турган жойларда ҳатто мевали дарахт экмаган, чунки пишиб, сувга тушган мева чириб, сувни ифлослантирган. Сувга туфлаш гуноҳи азим бўлган. Оқиб турган сувга чиқиндиларни, супуриндиларни ташлаш тақиқланган. Ундан беўрин фойдаланиш ман этилган. Миллий қадриятларимиз ва ижтимоий анъаналаримиз қайта тикланган бугунги кунда ёшларимизга сувга ҳурмат билан қарашни ҳам ўргатишимиз — давр талаби бўлиб турибди.

Кейинги йилларда давлатимиз сувни тежаш борасида кўпгина амалий ишлар қилмоқда. Хонадонларга сув ўлчагичлар ўрнатилиб, сувни тежаш ҳақида газета-журналлар, телевидение ва радио орқали тушунтириш ишлари олиб борилмоқда. Жамоатчилик мактабларда, тарбия муассасаларида, ётоқхоналарда шунингдек, маҳаллаларда тоза ичимлик сувини асраш ҳақида мунозаралар, суҳбатлар ташкил этмоқда. Масалан, яқинда бизнинг Тошкент автомобиль ва йўллар институти ётоқхонасида «Сув — бу ҳаёт» шиори асосида янги тасвирий ойина ташкил этилиб, сувни ортиқча сарфламаслик, тежаш ва ўз ўрнида фойдаланиш ҳақида маслаҳатлар берилди. Мақсад — ёшларимиз ичимлик сув қадрини, унинг учун давлатимизнинг беқиёс маблағи сарфланаётганлигини обдон билишлари, тасаввур этишлари керак. Назаримда, бу ишларда ота-она, тарбиячи, ўқитувчи, жамоат ташкилотлари ҳамкорликда ишлашлари лозим.

**Дакар РАСУЛОВ,**
**Тошкент автомобиль ва йўллар институти ректорининг биринчи ўринбосари,**
**Холмурод ХУДОЙҚУЛОВ,**
**доцент,**
**Зокиржон ҲУСАНОВ,**
**институт ходими**

**Nuқtai nazar**

# РАҲБАРЛИК — ШАРАФ

## ВА АЙНИ ПАЙТДА МАСЪУЛИЯТ ҲАМДИР

Республикамиз мустақилликка эришгач, халқимиз адолатли жамият қуриш сари юз тутди. Эндиги вазифа — давр синовларидан муваффақиятли ўтиб, олий мақсадга эришиш, яъни, ушбу заминда яшовчи барча инсонлар интеллектуал салоҳиятини, қизиқишларини, орзу-истакларини рўёбга чиқариш учун уларга зарур шароитни яратиб беришдир. Зеро, ҳар бир инсон дунёга келаркан, яхши яшаш, мазмунли умр кечириш ва бахтли бўлишга ҳақли.

Тарихга бир назар солинг: унинг ўта зиддиятли даврлари моҳиятини англаб етган ва уларни бартараф этишда ўзида куч, ғайрат масъулият ҳиссини туйган инсонлар — етакчи шахслар оз эмас. Ҳамма замонларда ҳам мамлакат, миллат тақдири билимдон, ҳалол етакчиларга, шахсларга боғлиқ бўлган.

Бугун мамлакатимизда буюк келажак пойдеворини барпо этиш жараёнлари етакчидан, раҳбардан замонга мос янги фазилатларни талаб этмоқда. Эсингизда бўлса, Президентимиз Сирдарё вилоят Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида: **«...раҳбар деган одам фидойи бўлиши, халқнинг дарду ташвишларини, орзу-умидларини юрагидан, қалбидан ўтказиб, уларни рўёбга чиқариш, зиммасига юклатилган вазифаларни адо этиш учун ўзининг ҳаётини фидо қилишга тайёр бўлиши керак»**, — деб алоҳида таъкидлагандилар.

Бугунги кунда раҳбарнинг энг асосий вазифаларидан бири — жамоани соғлом фикр юритиш, янгилик ва ижодкорликка ундаш, миллий равнақимизга ёт мафкуралар алдовидан асраш, айниқса, ёшларни миллий қадриятларимиз ва бой маънавиятимизга юксак эҳтиром руҳида тарбиялашга қаратилган бўлиши лозим.

Маълумки, бошқаришнинг амалиётда тан олинган турли (авторитар, либерал ва демократик) услублари мавжуд. Бу услубларнинг ҳар бири муайян ижтимоий-иқтисодий шароитда ўзини оқлайди. Масалан, тинч шарт-шароитда авторитар услуб ўзини оқламаслиги мумкин, аксинча, тарихнинг кескин бурилиш нуқталарида демократик бошқарувни қўллаш ҳам кутилган натижани беравермайди.

Хўш, бизнинг сир-синоатларга тўла бугунги кунимизда раҳбар қайси услубни қўлласа кўпроқ самарали бўлади?

Фикримизча, раҳбар ҳар қандай шароитда ҳам энг аввало, адолат қонунларига таянмоғи лозим. Сиёсий етуклик эса янада катта аҳамият касб этади. Ўз вақтида атоқли француз адиби Оноре де Бальзак «Жамият кескин ўзгаришларга тоқат қила олмайди» деган фикрни билдирган эди. Халқ кўп ҳолларда жамият равнақи учун аҳамиятли бўлган ғоялар моҳиятини вақтида англаб етмаслиги мумкин. Бундай вазиятда раҳбар кўпроқ охирги фикрни ўзи айтиши лозим.

Раҳбарнинг асосий сифатлари деб қуйидагиларни санаб ўтса бўлади: кучли ақлий салоҳият, одамларни ўз ғояларига ишонтириб эргаштира олиш қобилияти, адолатпарварлик, бурчга садоқат, камтарлик, ҳалоллик, халқпарварлик, қатъиятлилик каби маънавий-ахлоқий сифатлар. Агар ҳамма раҳбарларимиз ҳам ҳозирги кунда сиёсий, маънавий-ахлоқий жиҳатдан фуқароларга намуна бўлолсалар, халқни жамиятда олиб борилаётган ислоҳотларга бўлган ишончини янада кучайтирган бўларди. Зеро, Шарқ менталитетига хос жиҳатлардан бири — бу халқимизнинг раҳбарларга бўлган чексиз ҳурмати, ишончи ва садоқатидир. У раҳбардан кўп нарсани кутади. Бундай ишончни оқлаш учун улар шарқона демократия ва бошқарувнинг халқимизга хос тарихий шакллари ҳамда анъаналарини чуқур билишлари жоиз.

Шу ўринда Юртбошимизнинг яна бир фикри алоҳида моҳият касб этади, деб ўйлайман: **«...ҳокимлар, раҳбарлар, шуни унутмангки, сизларни рентген каби текширадиган, ишларингизга одил ва ҳаққоний баҳо берадиган мезон шу юртда яшайдиган одамларнинг кўзи, фикри, уларнинг чиқарадиган хулосалари»**дир. Чунки, халқ биринчи галда раҳбар салоҳиятини унинг маънавияти ва юксак маданияти билан ўлчайди.

Фикримизнинг далили сифатида бошқариш ва раҳбарлик услубининг шарқ маънавий мероси дурдоналаридан намуналар келтирайлик. Масалан, «Адолатпарварлик» деганда биз ўз давлати шиорини: «Куч — адолатда» деб билган ва бир умр ана шу ғояга содиқ қолган улуғ саркарда, давлат арбоби, адолатли ҳукмдор Амир Темурни ёдга оламиз. Улуғ бобомиз тақдири азал ҳукми билан қаерга борган бўлсалар, ўша ерда биринчи навбатда қулларни ва аёлларни озод қилганлар, иморатлар, бинолар барпо этганлар. Бу гаплар тасдиғини унинг «Тузуклар»ида ҳам ўқиймиз:

**«Юз минг отлиғ аскар қила олмаган ишни бир тўғри тадбир билан амалга ошириш мумкин.**

**Адолат ва инсоф билан тангрининг яратган бандаларини ўзимдан рози қилдим. Гуноҳкорга ҳам, бегуноҳга ҳам раҳм қилиб, ҳаққоният юзасидан ҳукм чиқардим.**

**Ҳар бир шаҳарда масжидлар, мадрасалар, хонақолар қуришни, мусофир йўловчилар учун йўл устига работлар бино қилишни, дарёлар устига кўприклар қуришни буюрдим.**

**Очиқ юзлилик, раҳм-шафқат билан халқни ўзимга ром қилдим. Адолат билан иш юритиб, жабр-зулмдан узоқ-роқ бўлишга интилдим.**

**Бир кунлик адолат — юз кунлик тоат-ибодатдан афзал.**

**Адлу эҳсон билан жаҳон гулшани обод бўлади».**

Амир Темур даври маънавияти қанчалик юксак бўлганлигига яна бир мисол. Мовароуннаҳрга чет эллардан кўплаб сайёҳлар, савдогарлар, элчилар ташриф буюришган. Бир куни улар кўчадан ўтаётиб уйларнинг эшиклари тагида турган бўш идишларни кўриб, ҳайрон қолиб «бу нима?» деб сўрашибди. Тўдадан бир эркак киши чиқиб шу жавобни берибди: «Бизнинг юртимизда аёлларнинг оғир юк кўтариб юриши биз эркаклар учун уят, иснод ҳисобланади. Шу кўчадан ўтиб кетаётган истаган эркак бу идишларни сув ва ўтин билан тўлдириб қўйишни ўзининг бурчи деб билади».

Ёки Шарқнинг буюк мутафаккири Кайковуснинг келажак авлодларга васиятнома тарзида битган «Қобуснома»сида юртни бошқаришнинг қуйидаги сифатларига алоҳида эътибор қаратилган:«Эй фарзанд, агар подшоҳ бўлсанг, порсо бўлгин ва кўзингни, қўлингни халойиқнинг аёл ва атворидин йироқ тутгил. Пок ва имн бўлғилки, пок ва имнлик покдилликдир. Ҳар иш қилсанг ақл фармони била қилғил ва ақлдин бемаслаҳат иш қилмағил, нединкин, подшоҳнинг вазирлари ақлдир.

Ҳеч ишда шитоб қилмағил. Ҳар ишгаки киришар бўлсанг, олдин ўша ишдин чиқмоқни яхши кўзлағил ва ишнинг охириға қарағил. Ҳар бир ишнинг ўлчоғин билғил ва барча ишни ўйлаб қилғил.

Ҳамиша ростгўй бўлғил, кам сўзлағил ва оз кулғил.

Ҳарнаки ҳадя қилсанг, ўзингни азиз тутғил, лашкар ва раиятнинг кўзига хор кўринмағил, ҳеч одамдин зинҳор бир нарса тиламағил ва бандаларга раҳмдил бўлғил, аммо бераҳмларга раҳм қилмағил. Ҳамиша лутф карамни одат қилғил, лекин сиёсатлик бўлғил. Барча ишни буткул вазирга таслим қилмағил, унинг раига ҳамиша муҳтож бўлмағил. Вазир ҳам одамнинг ҳақида ҳар сўзни айтса эшитғил, аммо дарҳол қабул қилмағил».

Раҳбарларнинг ниҳоятда ҳалол бўлиши кераклиги ҳақида яна бир ибратли ривоят:«Бир куни Абдураҳмон бин Авф, мўминларнинг Халифаси Ҳазрат Умарнинг зиёратига келди. Салом берди-да, кутиб турди.

Халифа Ҳазрат Умар ёниб турган шамни ўчириб, кейин бошқасини ёқди.

Бу аҳвол меҳмон диққатини тортди, у Ҳазрат Умарга:

— Эй Амирал-мўминин! Олдингизда шам ёниб турарди, уни ўчирдингиз. Яна унга ўхшаш бошқа шамни ёқдингиз. Бунинг бир ҳикмати борму? — деди.

Амирал-мўминин Ҳазрат Умар табассум билан:

— Ё Абдураҳмон! Ўчирганим давлатнинг шами (молидир). Ёққаним ўзимнинг шахсий шамим — ўз пулимга олганман. Давлат ишларини қилганимда давлатнинг шамини ёқаман. Ҳозир сен билан суҳбат қуриб ўтирганимда давлат шамини ёқишим ҳалоллик бўлмайди, шунинг учун уни ўчирдим. Ўз шамимни ёқдим. Шундай қилмасам Аллоҳга қандай ҳисоб бераман?» — деди. (Юсуф Товослийдан)

Шу нуқтаи назардан ҳам кадрларни танлаш ва уларнинг ҳар бирига муносиб лавозим бериш осон иш эмас. Кадрлар жой-жойига қўйилса, одамларнинг бахти, хато қилинса, аксинча... Билимли, интилувчан, ғайрат-шижоатли ёшларимиз кўп, аммо уларнинг ҳаммасида ҳам тажриба ва малака етишавермайди. Демак, уларнинг малакасини оширишга жиддий эътибор қаратмоқ зарур.

Мамлакатимизда бу борада ўзига хос тизим яратилган. Масалан, Тошкент вилоятида ҳокимлик ташаббуси билан вилоят Педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтида заҳирадаги раҳбар кадрларнинг ўқишлари ташкил этилган. Ҳозир институтнинг салоҳиятли педагоглари томонидан республикамизнинг кўзга кўринган профессор-ўқитувчилари ёрдамида турли бўғиндаги раҳбар кадрларни шакллантиришнинг жаҳон стандартларига мос яхлит концепцияси ишлаб чиқилди. Ўқиш давомида тингловчиларга маънавий-ахлоқий тушунчалар мазмуни ва моҳияти, миллий ва умуминсоний қадриятлар, миллий мафкура, демократия тарихи, ҳуқуқий-демократик давлатнинг назарий асослари, раҳбар шахси психологияси, бошқарув услублари, мантиқ илми сингари мавзуларда маърузалар ўқилмоқда, дебатлар ўтказилмоқда.

Бу тадбирлар келажакда раҳбар кадрларга тўғри йўл кўрсатади, уларни авайлаб-асрайди, ўзларига нисбатан талабчанликни оширади, деб ўйлайман.

**Моҳира ҲОЛИҚОВА,**
**Тошкент вилоят Педагогларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш институтининг маънавий-маърифий масалалар бўйича биринчи проректори**

# ЁҒДУЛАРГА ЧЎМГАН ЮТУҚЛАР

Қашқадарё электр тармоқлари корхонаси — истеъмолчиларга электр энергия етказиб бериш ва таъминлаш бўйича республикадаги учта энг йирик электр тармоқлари корхоналаридан бири. Биргина мисол. Корхона охирги уч йилда электр энергия сотиш бўйича ой сайин белгиланган режани бажариб келмоқда. Барча асосий кўрсаткичлар, шу жумладан, капитал маблағларни ўзлаштириш, асосий фондларни ишга тушириш, иншоот ва электр тармоқларини таъмирлаш ишлар вақтида уддаланмоқда.

— Амалга оширилган ишлар натижасида 2002 йилда корхона соф фойдаси 149,2 млн. сўмни, 2003 йилда шу кунгача эса 965,3 млн. сўмни ташкил этди, — дейди корхона раҳбари Наримон Раҳмонов. — Келгуси йил бундан ҳам кўпроқ натижаларга эришишни ният қилиб қўйдик...

Бир мисол. 2003 йил республика назорат идоралари мувофиқлаштириш Кенгашининг режасига асосан корхонада сўнгги уч йиллик фаолият бўйича текширув ўтказилди. Текширув натижаси бўйича Қарши шаҳар давлат солиқ инспекцияси томонидан корхонага нисбатан 142,0 млн. сўм молиявий жарима қўллаш тўғрисида қарор қабул қилинди. Аммо молиявий жарима нотўғри қўлланилгани учун корхона раҳбари вилоят солиқ бошқармасига мурожаат этди. Бошқарма хузуридаги эксперт-маслаҳат кенгаши 125,0 млн. сўмлик молиявий жариманинг асоссизлигини исботлаб, уни бекор қилиш тўғрисида хулоса чиқарди... Ундирилган жарима корхонада самарали ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ва ишчи-хизматчиларнинг ижтимоий муҳофазасига асқотди.

Яна бир мисол: шу йилнинг июль ҳолатига кўра, корхона май ва июнь ойлари иш ҳақи учун 131681599 сўм қарздор эди. Гарчи, корхона ҳисоб-рақамида пул мавжуд бўлса-да, банк иш ҳақини ҳеч қандай сабабсиз бермасдан келарди. Корхона мутахассисларининг «талашиб-тортишуви», аниқроғи, прокуратура органларининг аралашуви туфайли корхона иш ҳақи қарздорлигини узишга муваффақ бўлди.

— Эришган ютуқларимиз бамисоли ёғдуларга чўмган, — давом этди директор. Улар нафақат корхонамиз ишлаб чиқаришининг ўсиши ёки олиб борилаётган ижтимоий йўналиш борасидаги ибратли ишларимиз натижадорлигига, балки, маънавий ва маърифий тадбирларимиз самарадорлигига ҳам ижобий таъсир кўрсатмоқда. Ҳар йили ўнлаб газеталарга обуна бўламиз: вилоят нашрларидан тортиб, «Халқ сўзи», «Ўзбекистон овози», «Туркистон» каби нашрлар доимий ҳамроҳимиз. «Маънавият ва маърифат» маркази ҳамда кутубхонамиздан одам аримайди. Президентимиз фармонлари ва Ҳукумат қарорларидан ишчи-хизматчиларимизнинг доимий бохабарлигини таъминлаганмиз. Чунки, маънавият ва маърифат жуда катта тушунча. Унинг замирида меҳр-мурувват, оқибат, аҳиллик, жипслик, саховат ва савоб деган кўпдан-кўп хайрли миллий қадриятларимиз мустажоб. Шу боиски, келаётган йилни «Меҳр ва мурувват йили» дея номланиши ҳам бежиз эмас.

**Илҳом КАРОМОВ,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Қадрият — ўзликни англаш**

# ХОРАЗМ — МУМТОЗ МАҚОМЛАР ЮРТИ

**Сўнгги пайтда «Хоразм танбур чизиғи» ҳақида кўп гапириляпти. Юз ўттиз йил муқаддам яратилган шарқона мусиқий нота — танбур чизиғини «тилга киргизиш», уни музей бисотидан амалиётга олиб чиқиш борасида бош қотираётганлар, илмий изланишлар олиб бораётганлар ҳақида матбуотда онда-сонда ўқиб қоламиз. Урганч давлат университети мусиқа кафедраси мудири Ботир Раҳимов билан суҳбатимиз ана шу ҳақида бўлди.**

**— Мумтоз санъатимиз намуналарини тиклаш, уларни авлодларга етказиш йўлида сиз раҳбарлик қилаётган кафедра жамоаси қандай ишларни амалга оширмоқда?**

— Хиванинг сўнгги ҳукмдорларидан бири шоир ва санъат ҳомийси Муҳаммад Раҳимхон Соний — Феруз ҳазратлари топшириғига кўра шоир ва таржимон, ҳаттот, мусиқашунос олим ва бастакор Комил Хоразмий XIX асрнинг иккинчи ярмида «танбур чизиғи» номи билан машҳур бўлган нисбатан оддий ва содда нота ёзувини яратган. Ўтган асрда ҳам бир қатор тарихчилар, олимлар бу кашфиётни амалиётга татбиқ қилишга уринишган. Аммо, шўролар даврида ушбу кашфиёт қатағон қилинган. Бунга сабаб — танбур чизиғида тўла ноталаштирилган «Рост» мақомининг бошданоёқ Аллоҳга илтижо-ибодат мазмунида эканлигидир.

Истиқлол туфайли боболаримиздан мерос ана шу бойлик яна дунё юзини кўрди.

**— Бунгача ҳам турли келишмовчиликлар, англашилмовчиликлар, ҳатто «танбур чизиғи»га оврупаликлар нотасидан кўчирма, деб қаровчилар бўлган.**

— Тўғри, айрим тарихчилар Комил Хоразмий «танбур чизиғи»ни Чор Россияси маркази Санкт-Петербургга саёҳатидан кейин яратган, деб ҳисоблаб келишарди. Аммо, ҳозирда мавжуд бўлган «танбур чизиғи»га солинган мақомлар тўпламининг давр талотумларидан сақланиб қолган тўққизта вариантини ўрганиш шуни кўрсатдики, Комил Хоразмий бу иш устида олдинроқ ҳаракат бошлаган экан.

Тарихдан маълумки, Ўрта Осиёда илк бора нота ёзувининг биринчи кўринишини Абу Наср ал-Форобий ишлаб чиққан. Машҳур мусиқа олими Сафиуддин ал-Урмавий XIII асрда уд асбоби учун мўлжалланган ўзига хос нота яратган. Комил Хоразмий томонидан тайёрланган танбур чизиғи воҳада ўз даврида машҳур бўлган мусиқа асбоби — танбурда мумтоз мақомлар мусиқасини ижро этишга мўлжалланган. Эътиборингиз учун, ҳозирда дунё миқёсида ишлатилаётган нотани XVII асрларга келиб оврупаликлар яхлит ҳолатга солганлар.

**— Ботир ака, савобли ишга истиқлол имкон бергани ҳақида айтдингиз. Рости ўтган йилларда «танбур чизиғи» юзасидан олиб борилган ишлар, аввало мавжуд вариантлардан бирортаси топилгандаги шов-шув ва турли тахминлар... қисқаси, қуруқ гапдан иборат эди. Қачонки, Юртбошимиз томонидан «танбур чизиғи» ҳақида ҳаққоний фикр — аниқ баҳо айтилгач, амалий фаолият тезлашиб кетмадими?**

— Худди шундай. Асли ҳазорасплик бўлган Искандар Махсум отлиғ ҳаттот ва созанда томонидан китоб ҳолатига келтирилган «танбур чизиғи»га ижодий туртки вазифасини ўтади, бошланган хайрли ишларга ўзига хос дебоча бўлди.

**— Сизлар замонавий нотага кўчираётган айнан ўша Давлатимиз раҳбарига туҳфа қилинган нусхами? Унинг мукаммалиги нимада?**

— Ҳозирда Ўзбекистон Давлат консерваторияси музейида биринчи рақам остида сақланаётган асар мавжуд бошқа нусхалардан тубдан фарқланади. Бошқаларида Хоразм мақомларининг айтим ва чертим қисмлари созандалар учунгина мослаб ёзилган. Бу нусхада эса барча мақомларнинг ашула йўллари ғазал матнлари билан биргаликда берилган. Мақомларнинг ашулалари тартиб билан номланган ва жойлаштирилган. Яна эътиборли томони шундаки, ҳозирда кўпчиликка нотаниш — бизгача фақат номларигина етиб келган ижро усуллари эса унутилган — дутор мақомларидаги «Зийхий назора», «Мискин», «Роҳавий», «Садри Ирок», «Ахёр», «Чоки гирибон» деб номланган туркумлар ҳам бор...

Умуман олганда китобда жами 148 та мумтоз мусиқа тўплалигича танбур чизиғига солинган. Уларнинг 97 таси мумтоз мақомларнинг дутор йўллари ва ашулаларидан иборат. Бу эса Комил Хоразмий яратган «танбур чизиғи»га солинган мусиқий асарларнинг энг мукаммал варианти, деб ишонч билан айтишимизга асос бўла олади.

**— Энди «танбур чизиғи»га иккинчи умр бағишлаш борасида олиб борилаётган ишлар кўлами ҳақида ҳам сўз юритсангиз.**

— Нодир топилма асосида танбур чизиғини аввало замонавий нотага «таржима қилиш», яъни унут бўлган мақом ва бошқа мусиқа асарларига «жон киритиш» лозим. Бу осон иш эмас. Ашула матнлари араб имлосида берилган. Танбур чизиғини ўқишнинг ўзи бир машаққат. Чунки, буни биладиган кишилар саноқли. Ҳатто куйининг ўзи бир соатдан кўп давом қиладиган мақомлар — айтайлик «Рост» мақомини англашнинг ҳам ўзига хос мушкулликлари бор.

Бу узоқ давом қиладиган жараён. Машаққатли меҳнатимизнинг илк самараси — яқинда Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Хоразм танбур чизиғи»дан дарж қилинган «Рост» мақомининг айрим қисмлари тақдимот кечасини ўтказдик. Бу илк натижа. Ишонаманки, яқин йилларда асар тўлалигича замонавийлашган ҳолда миллий бойлигимизга айланади. Бунга имкон ҳам бор, шароит ҳам. Яқинда халқаро Сорос жамғармаси бу борада бизга грант берди. Ижодий гуруҳимиз ўз соҳасининг фидокор кишиларидан ташкил топган. Ҳамидулла Аминов — таржимон, Рустам Болтаев — танбур бўйича тенгсиз мутахассис. Самандар Худойберганов — ашула қисмини, Матрасул Матёқубов — чолғу қисмини ишлаяпти. Машҳур шоир Матназар Абдулҳаким ғазаллар матни бўйича маслаҳатчи. Гуруҳ раҳбари «Ўзбекистон ва Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби», профессор Отаназар Матёқубов. Ана шу хайрли ишларда қатнашиш бахтига муяссар бўлганимдан камина ҳам бахтиёрман.

**— Ижодий жараённинг умуммаҳсулоти нимадан иборат бўлади?**

— Танбур чизиғидаги барча асарлар инглиз, ўзбек тилларида тўла китоб ҳолида чоп қилинади. Бу тарихий бойлигимизни оммалаштириш борасидаги илк қадам дегани. Кейинчалик ана шу асосда қадим нотамиз билан танишиш кўпчиликка насиб этади.

**— Бундан кўзланган мақсад нима?**

— Ниятимиз — уни ўзбекнинг ўз нотаси сифатида амалиётга айлантириш. Бу осон иш эмас. Аввало, бунинг учун айнан шу янгича нотани мукаммал биладиган мусиқачи-педагогларни тайёрлаш зарур. Ундан сўнг бемалол мусиқа мактабларида ёш мусиқа ихлосмандларига миллий нотани тўлалигича ўргатишга йўл очилади.

**— Демак, бирор беш-ўн йил талаб қилинар экан-да?**

— Гап муддатда эмас. Ўн йил бўлсин, ўн беш йил бўлсин, қанийди биз тарихдан мавжуд бўлган ва кимларнингдир айби билан тарих ғаладонларига қулфланган ўз миллий нотамиз билан жаҳонга чиқсак. Ахир биласизми, дунёда юзлаб давлатлар, минглаб миллатлар бўлгани ҳолда ўз миллий нотасига эга бўлганлар саноқлигина. Бу бизнинг ҳар соҳада юксаклигимизни, жуда бой тарихий меросимиз борлигининг исботи эмасми?

**Рўзимбой ҲАСАН суҳбатлашди.**

**Орамиздаги одамлар**

# ОЛИМНИНГ САОДАТИ



Яқинда Маннон Уйғур номидаги санъат институтида ўтказилган бир анжуманда мутасаддилардан бири таниқли адабиётшунос олим Шерали Турдиевни талабаларга «профессор» деб таништирган эди. Саҳнага секин-аста кўтарилган олим ҳижолатвозлик билан: «Мен профессор эмасман», деб йиғилганлардан узр сўради. Сўз навбати театршунос олим Тошпўлат Турсуновга теккач, у: «Шерали профессор бўлмаса ҳам учта профессорнинг ишини қилиб қўйган», деб камтарин олимнинг меҳнатига муносиб баҳо берди.

Чиндан ҳам, агар Шерали Турдиев эълон қилган китоб ва мақолалар, нашрга тайёрлаган асарлар рўйхатига назар ташласак, унинг XX аср ўзбек адабиёти тарихини ўрганиш ишига катта ҳисса қўшганига ишонч ҳосил қиламиз. Бундан 34 йил олдин Шерали Турдиев атоқли адабиётшунос олим Иззат Султонов раҳбарлигида «20-йиллар ҳикоячилиги» деган мавзуда номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган эди.

Ҳозир ёш тадқиқотчилар номзодлик шаҳодатномасини олиб улгурмай, докторлик диссертацияси устида иш бошлаб юборадилар. Шерали Турдиев ва у мансуб бўлган авлод эса тезроқ фан доктори бўлишни эмас, балки билим доирасини кенгайтириш, тўлақонли олим бўлиб шаклланиш ва илм-фанга кўпроқ хизмат қилишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган.

Ўтган асрнинг 60-йилларида кутубхоналарнинг махфий фондлари очилиб, «халқ душманлари»нинг асарларини ўқиш имконияти туғилди. Шерали ана шу бахтли имкониятдан фойдаланиб, ўнлаб китоблар, юзлаб шеър, ҳикоя ва мақолаларни кўчириб олди. XX аср ўзбек адабиётининг ҳанузга қадар Шерали Турдиев томонидан эълон қилиниб келаётган намуналари ўша заҳматли йилларнинг самарасидир.

Шерали Турдиев адабиётшунос олим сифатида XX аср адабиёти тарихининг турли даврлари ва намояндалари ижодини ўрганиб, ўнлаб салмоқли, илмий жиҳатдан кашфиёт даражасидаги китоб ва расолалар ҳамда кўплаб мақолалар эълон қилди.

Бундан бир неча йил илгари Шерали Турдиевнинг ёшлар газетаси саҳифаларида чоп этилган «Улар Германияда ўқиган эдилар» туркум мақолалари жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинди. 1922-1923 йилларда Германияга ўқишга юборилган истеъдодли ўзбек ёшларининг фожиали тақдири билан шуғулланиш олимнинг илмий фаолиятида янги саҳифани очди. Унинг шу номдаги рисоласи асосида ҳатто икки қисмли ҳужжатли фильм яратилди. Кейинчалик олим шу йўналишдаги изланишларини ғайрат ва шижоат билан давом эттириб, қатағон қурбонларига бағишланган ўнлаб ажойиб мақолаларни эълон қилди. Олимнинг юрак қони ва кўз ёшлари билан ёзилган бу мақолалар мустамлакачилик даври қурбонлари хотирасини абадийлаштириш ишига муносиб ҳисса бўлиб қўшилди.

Бугун Шерали Турдиевнинг номи нафақат мамлакатимиз, балки хорижий оламда ҳам машҳур. Унинг Қозон, Уфа, Симферопол, Вена шаҳарларида ўтказилган илмий анжуманлардаги маърузалари ва қатор мақолалари рус, татар, турк, француз, инглиз тилларида босилган.

Ҳаётини илм-фанга бағишлаган олимнинг хизматлари муносиб тақдирланиб, унга «Меҳнат шуҳрати» ордени берилди. Биз фанимиз фидойиси, заҳматкаш инсоннинг эзгу мақсадлар йўлидаги изланишларига улкан зафарлар ёр бўлсин деймиз.

**Наим КАРИМОВ**


**OAJ «TAJRIBA-TEXNIK KORXONASI»**

**700020 г.Ташкент, ул.Уйгура, 103**

**Раскрытие информации участника рынка ценных бумаг**

**OAJ «TAJRIBA-TEXNIK KORXONASI» Шайхонтахурского района**

***(ИНН 200950324, ОКПО 05573249) реорганизуется путем преобразования в общество с ограниченной ответственностью. Претензии принимаются в течении двух месяцев с момента опубликования данного объявления*** *по адресу: г.Ташкент, ул Уйгура, 103.*

*В связи реорганизациией OAJ «TAJRIBA-TEXNIK KORXONASI» путём преобразования в общество с ограниченной ответственностью просим акционеров сдать наличные акции в течении тридцати дней с момента опубликования данного объявления для их уничтожения.*

*Акции, не сданные в установленный срок будут считаться не действительными.*

Огоҳлик

# ГАЗДАН ФОЙДАЛАНИШДА ЭҲТИЁТ БЎЛИНГ



Табиий газ — жоннинг роҳати. Ишдан толиқиб уйга қайтгач, роҳатланиб ичган бир пиёла чойимизу, лаззатли таомларимизнинг бир зумда тайёр бўлиши газ туфайли. Вақтимизни тежаб, ишимизни егиллатган табиий газдан кундалик турмушимизда турли мақсад ва ишларда фойдаланамиз.

Кўпинча кўча-кўйда ўт ўчириш машиналарининг чинқириғини эшитиб қоламиз. Кўнглимиздан яна қайси жойда ёнғин содир бўлди экан, ҳеч ким жабрланмадимикин, деган хавотир ўтади. Афсуски, аҳоли яшайдиган ҳудудларда ёнғинлар тез-тез содир бўлиб турибди. Маълумотларга қараганда, аҳоли турар жойларида содир бўладиган ёнғинлар сони бошқа жойлардагига нисбатан 3-4 марта кўп экан. Текширишларнинг кўрсатишича, ёнғиннинг келиб чиқиш асосан электр асбобларининг носозлиги, газ асбобларининг бузуқлиги, газ ўчиришни унутиш, ёш болаларнинг олов билан ўйнаши оқибатида келиб чиқмоқда. Хўш, ҳамма ҳам газ асбобларидан фойдаланиш қоидаларини биладими?

Маълумки, табиий газнинг асосий қисми, 90-96 фоизи метан газидан иборат. Табиий газдан фойдаланганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилмаслик хавфли ҳолатларга олиб келади. Масалан, метаннинг ҳаво билан 5,4-14,9%ли аралашмаси портловчи хоссага эга. Табиий газ рангсиз, ҳидсиз ва мазасиздир. Лекин унга одамлар сеза олишлари учун одатда одорант деб номланган ҳидли модда қўшилади.

Республикамизда табиий газ билан бир қаторда баллондаги суюлтирилган газ, яъни пропан-бутан газларининг аралашмаси ҳам ишлатиб келинмоқда. Суюлтирилган газ юқори ҳароратда ўз ҳажмини кенгайтириши ҳаммага маълум. Агар газ баллонларга жуда тўлдириб юборилса, ҳарорат кўтарилиши оқибатида кенгайиб, баллонни ёриб юбориши мумкин. Шундай ҳол бўлмаслиги учун одатда суюқ газ 85% тўлдирилади. Газ баллонларидан фойдаланувчи фуқароларимиз қуйидаги талабларни бажаришлари лозим:

— Газ баллонларидан фойдаланилаётганда, албатта, газ босимини пасайтириб, бир меъёрда узатадиган қурилма — редуктордан фойдаланиш керак. Бу қурилма биринчидан, газнинг босимини 0,02-0,03 кг/см$^2$ га пасайтириб узатади. Иккинчидан эса баллондаги газ босими жуда пасайиб кетмайди. Агар балон ички босими атмосфера босимига яқинлашса ва тенглашса ёки—ундан паст бўлса баллон совигандан кейин унинг ичига ҳаво кириб, газ ва ҳавонинг портловчи аралашмаси пайдо бўлади;

— бўшаган баллон жўмраги ёпиқ бўлиши керак ва газ қолдиғидан фойдаланиш ёки чиқариб юбориш таъқиқланади;

— газ баллонларини қуёш тагида қолдириш ёки қиздириш қатъиян ман этилади;

— тўлдирилган баллонлар кўп сақланиши, яъни бир мавсумдан иккинчи мавсумга сақлаб қўйилиши мақсадга мувофиқ эмас. Газ баллонлари яқинида олов ёки электр асбоблари бўлмаслиги шарт. Шунингдек, чукурлик, ертўла ва ариқлардан узоқроқда тургани маъқул.

Агар хонада газ ҳиди сезилса газ жўмраги беркитилиб, эшик ва деразаларни очиб, хонани шамоллатиш лозим. Шуни унутмаслик керакки, бу хонада гугурт чақиш ва электр асбобларини ишлатиш асло мумкин эмас. Фуқароларимиз шу қоидаларни эслаб қолсалар ва унга амал қилсалар, ёнғиннинг олди олинган бўларди.

**Фарида АБИДОВА,**
**Фуқаро муҳофазаси институти катта ўқитувчиси**

# МЕҲР ТОПГАН ЙИГИТ

Биз мустақилликнинг илк йилида мактабга қадам қўйдик. Барча соҳаларда тараққиёт руҳи сезилаётган пайт. Айниқса, ёшларга катта эътибор берила бошланди. Мен ҳам ўшанда ташкил этилган фаол ёшлар клубига қатнашардим. Клубнинг ҳар йиғилишида маълум бир ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий мавзулар юзасидан фикрлашга, билим олишга интилар эдик.

Аниқ эсимда. Навбатдаги мавзуи меҳр-оқибат ҳақида бўлиши ва у телевидениеда намойиш этилиши белгиланди.

Биз кўплаб китоблар китоблар ўқиб, мавзуга тайёрландик. Кўрсатув тайёрланадиган куни кўрдикки, учрашувга ҳар галгидан кўпроқ ёшлар йиғилибди. Меҳр-мурувват ҳақида савол-жавоблар, фикр-мулоҳазалар давом этди. Биров эшитганини, биров ўқиганини гапирарди. Шунда корейс миллатига мансуб ногирон бир йигит сўз олди:

— Бир куни ота-онам бошқа жойга кўчиб кетмоқчи эканлигини айтишди. Лекин ногиронлигим уларга оғирлик қилди ва улар мени ташлаб кетишди. Шундай оғир кунларда қўшнимиз Хосият хола менга меҳр кўрсатди. Ҳеч қандай бойлигим бўлмасада, ногирон бўлсам-да ўз уйидан жой бердилар. Мени меҳр-мурувват асраб қолди, — деди у.

Кўрсатувнинг ҳам, учрашувнинг ҳам мазмуни шу сўзлар бўлди. Ҳа, халқимиз меҳрмурувватли.

**Анвар САМАДОВ**


Жонажон республикамизнинг қишлоқ хўжалиги меҳнаткашларини, халқимизни кириб келаётган

ЯНГИ — 2004 ЙИЛ БИЛАН МУБОРАКБОД ЭТАМИЗ.

Фарғона вилояти Сўх туманидаги «Озод» ширкат хўжалиги

АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! СИЗЛАРНИ

«ЎЗҚИШЛОҚХЎЖАЛИККИМЁ»

УЮШМАСИ

Янги — 2004 йил билан муборакбод этади.

Тарихга айланаётган 2003 йил ҳам ўзбек халқи учун зафарлар йили бўлди. Ўзбекистоннинг халқаро нуфузи ошди. Жаҳоншумул масалаларни ҳал этишда давлатимизнинг адолатли овози мардона янгради.

Мақсадимиз — 2004 йилда ҳам озод ва обод Ватанимиз, бунёдкор халқимиз бошида тинчлик ва тотувлик қуёши чарақлаб турсин! Ҳар бир оиладан дориломонлик, қут-барака аримасин!

Деҳқони бой юрт — қут ва баракалидир. Биз эса ана шу бободеҳқон меҳнатига унум, сифат ва самара бераётганлигимиздан мамнунмиз.

Миришкор пахтакору шоликорга, ғаллакору соҳибкорга доимо елкадошмиз ва шу йўл билан мамлакатимиз иқтисодий қудратига янада ошиб боришига ҳисса қўшаверамиз.

КАФОЛАТЛИ ХИЗМАТ — БИЗНИНГ БОШ ШИОРИМИЗ!

ЯНГИ ЙИЛ БАРЧА-БАРЧАГА ТАНИ СИҲАТЛИК, ФАЙЗУ БАРАКА ОЛИБ КЕЛСИН!

## ЧАРТЕР ПАРВОЗИНИ БАЖАРАЁТИБ...

Бенинда юз берган авиахалокат туфайли 133 киши оламдан кўз юмди, дея хабар беради «Ал-Арабия» телеканали.

«UTA» авиакомпаниясининг «Боинг-727» самолёти Котону (Бенин) — Байрут (Ливан) йўналиши бўйича чартер парвозини бажараётиб, осмонда портлаб кетди. Бортига йўловчиларни ҳаддан зиёд кўп олганлиги бунга сабаб бўлиши мумкин, дея тахмин қилинмоқда. Бортда асосан ливанлик йўловчилар эди. Сўнгги маълумотларга қараганда, 22 киши қутқариб қолинган.

Ливан ҳукумати ташқи ишлар вазири Жан Обейд бошчилигидаги делегацияни Бенинга жўнатди. Улар воқеани жойида ўрганиб, жабрланганларга ёрдам уюштирадилар.

Маълумки, Бенинда Ливан элчихонаси йўқ.

Ливаннинг жамоатчилик ишлари ва транспорт вазири Нажиб Микатининг таъкидлашича, «UTA» авиакомпанияси Ливанга парвозларни амалга ошириш ҳуқуқини берувчи лицензия олиш учун Ливан маъмуриятига мурожаат этган. Бироқ, мамлакат қонунларига кўра ушбу мурожаат рад этилган.

Компания Гвинеяда рўйхатдан ўтган ва ўша ернинг ўзида самолётларга хизмат кўрсатилади.

Вазирнинг айтишича, Ливан фуқаро авиацияси департаменти «UTA» авиакомпаниясига Ливан халқаро аэропортидан йўловчилар олишини тақиқлаган. Аммо авиакомпания баёнотида қайд этилишича, унинг самолётлари халқаро қоидаларга тўлиқ амал қилган ва барча талабларга жавоб берган ҳолда парвозларни амалга оширмоқда. Маълум бўлишича, авиакомпания Африка мамлакатларидан Байрутга парвозни амалга ошириш учун олти ой муддатга Ливан фуқаро авиацияси департаментидан расмий рухсат олган.

XORIJDA

## КУЗАТУВЧИЛАР ЖЎНАТИЛАДИ

Бугун Швейцария ўз кузатувчиларини Тбилисига жўнатади. Улар келгуси йил 4 январь куни Грузияда бўладиган навбатдан ташқари Президент сайлови жараёнларини кузатиб борадилар. Уларнинг Грузияга ташрифи Европада Хавфсизлик ва Ҳамкорлик ташкилоти ҳамда Инсон ҳуқуқлари ва демократик институтлар бюроси томонидан амалга оширилмоқда, дея хабар беради «Новости» ахборот агентлиги.

## ВАҚТИНЧА ТЎХТАБ ҚОЛДИ

Россиянинг «Горький автозаводи» (ГАЗ) очиқ акциядорлик жамияти бутловчи қисмлар ўз вақтида етказиб берилмаганлиги боис ўтган ҳафтада икки кун ишни тўхтатиб туришга мажбур бўлди.

Гап шундаки, «Балаковорезинотехника» ОАЖдан бутловчи қисмлар юкланган 7 та автофургон Қозон — Нижний-Новгород автотрассасида об-ҳаво ноқулайлиги сабабли содир бўлган автомобиль «тиқини» боис манзилга ўз пайтида етиб боролмаган. Бутловчи қисмларни олиб келиш учун завод томонидан «вездеход»лар жўнатилди.

Ишдаги узилишлар сабабли декабрь ойига белгиланган режанинг бажарилиши хавф остида қолмоқда.

«Интерфакс» хабар беришича, байрам муносабати билан 28 декабрдан 8 январгача конвейерни тўхтатиш мўлжалланган эди. Энди эса байрам кунлари ҳам ишлашга тўғри келади.

Автозавод матбуот хизмати котиби Сергей Луговой таъкидлашича, режага кўра декабрь ойида 5 минг 374 та енгил машина ишлаб чиқарилиши лозим.

## ДУНЁ ЁРДАМ ҚЎЛИНИ ЧЎЗМОҚДА

Сўнгги маълумотларга қараганда, Эронда рўй берган кучли зилзила оқибатида ҳаётдан кўз юмганлар сони 25 минг кишидан ортиб кетди, ўн минглаб кишилар эса турли даражада тан жароҳати олиб, жабр кўрди. Булар тахминий ҳисоб-китоблар. Мутахассислар ҳозирча аниқ ҳисоб-китоб қилишнинг имкони йўқлигини айтишмоқда. Вазиятни бошқариш штаби вакилларининг таъкидлашича, ҳалок бўлганлар сони 40 минг атрофида бўлиши мумкин экан.

Маълумки, жаҳон оммавий ахборот воситалари жума куни Эроннинг жануби-шарқий ҳудудида кучли ер силкиниши юз берганлиги ҳақида хабар берган эди. Зилзила маркази Керман музофотининг Бам шаҳрида қайд этилди. Теҳрон университетининг Геофизика маркази берган маълумотларга қараганда, бу ерда зилзила кучи Рихтер шкаласи бўйича 6,5 магнитудага тенг бўлган. Натижада шаҳар бутунлай вайрон бўлди.

Шаҳар уйлари асосан лой ва ғиштдан қурилган.

Электр, сув, газ таъминоти издан чиқди. Ҳудудга яқин касалхоналар тиббий ёрдамга муҳтожлар билан тўлди.

BBC News хабар беришича, Эрон Президенти Муҳаммад Хотамий мазкур воқеани «миллий фожиа» деб атади. Мамлакатда уч кун мотам тутилди.

Расмий Эрон маъмурияти кўмак сўраб жаҳон ҳамжамиятига мурожаат этди. АҚШ, Россия, Буюк Британия, Германия, Италия, Испания, Япония, Австралия, Украина, Франция, Норвегия, Польша, Канада ва бошқа бир қатор давлатлар кулфатда қолган мамлакатга ёрдам қўлини чўзмоқдалар, шу жумладан, Ўзбекистон ҳам. Дунё давлатларидан кўплаб қутқарувчилар келган. Ҳозир қутқарув ишлари қизғин давом эттирилмоқда.

Кўпгина давлатлар инсонпарварлик ёрдамлари жўнатишга ҳозирлик кўрмоқда. Европа комиссияси эса 800 минг евро ажратишга қарор қилди. Мазкур маблағ Еврокомиссиянинг Инсонпарварлик ёрдами бюроси томонидан ажратилади ва Бам шаҳри аҳолиси учун энг биринчи галда керакли бўлган буюмлар олишга ишлатилади.

Ҳозир Эронда ҳам об-ҳаво совуқ. Бу эса вазиятни янада мушкуллаштирмоқда. Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг қутқарувчилар бригадаси фожиа ҳудудида фаолият олиб бормоқдалар.

Харобаларнинг тагини очишга, тозалашга техника етишмаслиги сезилиб қолмоқда. Лекин, қутқарувчилар қўл қовуштириб ўтирганлари йўқ. Бугунги куннинг асосий масаласи ҳам аслида шу. Инсон табиат олдида ожиз бўлса-да, лекин у келтирган ташвишларни енгишга қодир.

**Internet хабарлари асосида Гулбаҳор ЭГАМБЕРДИЕВА тайёрлади.**

Шарҳ

# РОССИЯ: ЯНГИ ПАРЛАМЕНТ ИШ БОШЛАДИ

### ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИГА ТАЙЁРГАРЛИК СТАРТ ОЛДИ

Агар Россиядаги ижтимоий-сиёсий ҳаётни кузатаётган бўлсангиз, халқни бирлаштиришда, жамиятни мустаҳкамлашда, сиёсий кучларнинг саъй-ҳаракатларини бир мақсадга йўналтиришда ижобий ҳолат юз бераётганлигини кўрасиз. Айниқса, думага бўлиб ўтган сайловдан кейин бу ҳолат яққол кўзга ташланди. Ҳукуматни танқид қилиш билан одамлар ишончини қозонишни ўз фаолиятларининг асосий мезони, деб билган коммунистлар, аграрчилар, СПСчилар, «Яблоко»чилар Россия сиёсий майдонида олдинги мавқеларини йўқотиб қўйдилар. Ҳозир улар думада, умуман, мамлакатда етакчи сиёсий куч мақомига эга эмаслар. Россияда парламент тизимини ривожлантириш тарихида биринчи марта «Единая Россия» партияси вакиллари янги парламентда мутлақ кўпчиликни ташкил этди. Бу нафақат қонунчиликни ривожлантириш ва ҳукуматни шакллантиришда, балки парламент билан ҳукуматнинг ҳамкор ва ҳамжиҳат бўлиб ишлашида ҳам қулай имконият яратади.

Янги парламент 29 декабрь куни иш бошлади. Кун тартибида Давлат думаси раисини, унинг ўринбосарларини сайлаш ҳамда парламентнинг тизимларини шакллантириш вазифалари турибди. Фракциялар деярли шаклланиб бўлди. «Единая Россия» партияси фракцияси аъзолари сони 307 нафарга етди. Ҳали бу чегара эмас, аризалар тушиб турибди. Бир мандатли округлардан сайланган депутатларнинг бир қисми, шунингдек, ҳатто бошқа партия ва блоклардан сайланган депутатларнинг айримлари «Единая Россия» фракциясига аъзо бўлиш истагини билдирдилар. Думада муҳим қарор қабул қилиш учун 300 овоз етарли. Демак, бу фракция ҳозирнинг ўзида шундай ҳуқуққа эга бўлди. Шунинг учун ҳам «Единая Россия» партияси раиси, фракция раҳбари Борис Гризлов Давлат думаси раиси этиб сайланишига ҳеч ким шубҳа қилаётгани йўқ. Шунингдек, парламент раисининг бир неча ўринбосари ҳам шу фракциядан сайланиши кутилмоқда. Номзодлар орасида Любовь Слиска, Александр Жуков, Артур Чилингаров, Олег Морозов, Георгий Боос сингари ўтган думада ўз фаолликлари билан танилган ва охирги сайловда изчил тарғибот ишлари олиб борган депутатлар бор.

Шу нарса аниқки, нафақат парламент тизимларини шакллантиришда, балки бундан кейин муҳим қарорлар ҳамда қонунлар қабул қилишда ҳам «Единая Россия»нинг устунлиги сақланиб қолади. Фракция етакчилари бу устунликни мамлакат ва халқ манфаатига хизмат қилдириш ниятидалар. Бизнинг вазифамиз ялпи маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмини оширишни, қашшоқликни тугатишни, қуролли кучларни ислоҳ қилишни, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари бўйича қўшимча кафолатлар яратишни қонунчилик асосида таъминлашдан иборат, деди Борис Гризлов ўз партиясининг тўртинчи съездида сўзлаган нутқида.

Сайловда беш фоизлик тўсиқдан ошиб ўтиб, янги парламентдан жой олган бошқа партия ва блоклар ҳам ўз фракцияларини шакллантирдилар. Коммунист депутатлар Геннадий Зюганович яна ўз фракцияларига раҳбар этиб сайлашди. Ўзининг ғайриташкилий хатти-ҳаракатлари билан танилган муросасиз Владимир Жириновскийнинг ўғли — Игорь Лебедев либерал-демократик партия фракциясининг раҳбари бўлди. Бу йилги сайловда «Родина» блоки янги сиёсий куч сифатида майдонга чиқди. Бу кучнинг парламентдаги фракциясига таниқли сиёсатчи Сергей Глазьев раҳбарлик қилмоқда. Қизиғи шундаки, бирон-бир масалани муҳокама этишда ҳамда қарор қабул қилишда бу фракциялар ва бошқа мустақил депутатлар биргаликда ҳаракат қилганлари тақдирида ҳам «Единая Россия» фракцияси оладиган овознинг тенг яримини ҳам ололмайдилар. Шунга қарамасдан, бу фракциялар таклифлар ҳамда ташаббуслар билан чиқиб, мамлакатда қонунчиликни такомиллаштириш ишига ўз ҳиссаларини қўшиш ниятидалар. Шубҳасиз, бу парламент ишида фракцияларо муросасозликни талаб этади.

Шундай қилиб, Россияда янги парламент иш бошлади, Президент сайловига тайёргарлик старт олди. Демак, мамлакатда жўшқин сиёсий муҳит вужудга келди. Бундан кейин вазиятнинг жиловини ана шу муҳит бошқаради. Муҳитни эса халқнинг истак-хоҳиши белгилайди. Муаммолар шу даражада кўпки, халқни ваъда билан алдаб бўлмайди. Шунинг учун бўлса керак, ҳозирча Кремлда ҳукмронлик қилишни истовчилар кўп эмас. Бироқ, Владимир Жириновский нафақат Президент бўлишни, балки ўлганидан кейин Лениннинг мавзолейдаги ўрнини эгаллашни ҳам орзу қилаётганлигини очиқ-ойдин айтди. Шубҳасиз, коммунистлар ўз доҳийларининг ўрнини унга бериб қўйишмайди ва ўз сафларидаги замонавий доҳийлардан бирини номзод қилиб кўрсатишади. Геннадий Зюгановнинг гапига қараганда, бу ёш, «истиқболли» номзод бўлади. «Родина» блоки ҳам ўз номзодини кўрсатмоқчи. Парламентга бўлиб ўтган сайловдаги мағлубиятдан ҳали ўзларига келишмаётган СПСчилар билан «Яблоко»чилар ҳозирча номзодларнинг номларини айтишмаяпти.

Президент Владимир Путин мамлакат фуқаролари билан бўлиб ўтган тўғридан-тўғри телемулоқотда 2004 йил март ойидаги сайловда президентликка номзод сифатида қатнашажагини эълон қилди. У бирон-бир партиянинг ёки сиёсий блокнинг номзоди сифатида эмас, балки сайловчилар гуруҳининг, аниқроғи, халқнинг номзоди сифатида қатнашади. Бунинг учун у икки ярим миллион имзо тўплайди. Жойларда унинг номзодини қўллаб-қувватлаш бошланди. Биринчи бўлиб Москва давлат пўлат ва қотишмалар институтида бир гуруҳ сайловчиларнинг Владимир Путин номзодини маъқуллашга бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Бу катта сиёсий жараённинг бошланиши. Афтидан, халқ бошқа номзодларга қараганда Путинга кўпроқ ишонади. Турли ташкилотлар ўтказаётган сўровларда ҳам унинг рейтинги баланд. Бу табиий ҳол, албатта. Чунки, мулоҳазали, сўз ва иш бирлигини таъминлашга ҳаракат қилаётган давлат раҳбари сифатида у халқнинг қалбидан тобора чуқурроқ жой олмоқда.

Энди сиёсий партияларга келсак, «Единая Россия» ўз съездида яқдиллик билан Владимир Путин номзодини қўллаб-қувватлаш тўғрисида қарор қабул қилди. Чунки Путиннинг сайловолди дастури бу партия ўз олдига қўйган вазифаларнинг устувор йўналишлари билан ҳамоҳанг. Путин ўз ишида ҳамиша «Единая Россия»га таяниб келаётганлигини бир неча марта эътироф этди. Парламентда етакчи куч ҳисобланган партия, шубҳасиз, бундан кейин ҳам Президент ва ҳукуматнинг таянчи бўлиб қолади. Қонун устуворлигини таъминлаш ва ижро интизомини мустаҳкамлашда бошқарув тизимларининг ҳамкорлиги, сўзсиз, тараққиёт ва фаровонлик учун йўл очади.

Владимир Путин мамлакат оммавий ахборот воситалари ходимлари билан ўтказган бир телемулоқотида мухбирнинг: «Нимадан уяласиз?» деган саволига ҳеч иккиланмай: «Халқимнинг қашшоқлигидан уяламан», деб жавоб берган эди. Демак, у яна Президент этиб сайланса, халқининг олдида уялиб қолмаслик мақсадида тараққиёт ва фаровонлик учун астойдил курашади.

**Иброҳим НОРМАТОВ, сиёсий шарҳловчи**

МУ

# «МАТБУОТ ТАРҚАТУВЧИ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ ЖАМОАСИ

## Барча ватандошларимизни кириб келаётган

## 2004 йил билан

## самимий қутлайди.

*Янги йилдаги орзу-умидларимиз, кўзлаган мақсадларимиз улкан. Зеро, «Меҳр ва мурувват йили»-нинг мақоми ва мазмуни сарбаланд бўлишига ишончимиз комил. Чунки меҳр-мурувват, оқибат сингари азалий тушунчалар халқни халқ, миллатни миллат қиладиган, уни тарихнинг юксак кенгликларига олиб чиқадиган барҳаёт кучдир.*

## «Меҳр ва мурувват йили» муборак бўлсин, азиз юртдошлар!

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

## СЕРҚУЁШ ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ ЯНГИ — 2004 ЙИЛ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАКБОД ЭТАДИ

*Кириб келаётган янги «Меҳр-мурувват йили» ҳамкорлик, ҳамдўстлик йили бўлиб қолишига ишонамиз.*

*Ўзбекистон дунё ҳамжамиятида ўзининг муносиб ўрнини топди, жаҳон сиёсатида обрў-эътибор қозонди. Хорижий шериклар сони ҳам кун сайин ортаётир. Қатор қўшма корхоналар барпо этилмоқда. Бизнинг «Бурсел» компаниямиз ҳам шу ҳамкорлик меваларидан биридир.*

*Шу азиз заминда яшаётган инсонларни байрам билан қутлар эканмиз, ҳар бир оилада, ҳар бир гўшада тинчлик, барқарорлик ҳукм сурсин. Янги йил Ўзбекистон халқи хонадонига қут-барака, кўнглига ойдинлик, умрига ёруғлик, бахт олиб киришини Аллоҳдан сўраб қоламиз.*

**Азалий қондош, қардош ўзбек ва турк халқлари ўртасидаги дўстлик асрлар оша мустаҳкамланиб бораверсин!**

BS BURSEL GROUP ЖАМОАСИ

# ҲАҚ-ҲУҚУҚИНГИЗНИ БИЛАСИЗМИ?!

**Саволларга ҳуқуқшунос, 2-даражали адлия маслаҳатчиси Эргаш САЙИТОВ жавоб беради.**

**САВОЛ: Гаров қандай ҳолларда бекор қилинишига йўл берилади?**
**Х. Рўзиметов, Хоразм вилояти.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 283-моддаси талабларига асосан гаров қуйидаги ҳолларда бекор бўлади:

1) гаров билан таъминланган мажбурият бекор бўлганида;

2) ушбу кодекс 274-моддасининг учинчи қисмида назарда тутилган асослар бўлганида гаровга қўювчининг талаби билан;

3) гаровга қўйилган ашё нобуд бўлганида ёки гаровга қўйилган ҳуқуқ бекор бўлганида, башарти гаровга қўювчи ушбу кодекс 276-моддасининг иккинчи қисмида назарда тутилган ҳуқуқдан фойдаланган бўлмаса;

4) гаровга қўйилган мол-мулк кимошди савдосида сотилган тақдирда, шунингдек, уни сотиш мумкин бўлмаган тақдирда (ушбу кодекс 281-моддасининг бешинчи, олтинчи ва еттинчи қисмлари). ипотека бекор бўлгани ҳақида ипотека тўғрисидаги шартнома рўйхатга олинган реестрга белги қўйилиши керак.

Гаров билан таъминланган мажбурият бажарилиши натижасида ёки гаровга қўювчининг талаби билан гаров бекор бўлганида (ушбу кодекс 274-моддасининг учинчи қисми) ихтиёрида гаровга қўйилган мол-мулк бўлган гаровга олувчи уни дарҳол гаровга қуювчига қайтариб бериши шарт.

**САВОЛ: Гаровга қўйилган мол-мулкнинг мажбурий равишда олиб қўйилиши қандай оқибатларни келтириб чиқаради?**
**Х.Имомов, Бухоро вилояти.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 285-моддасига мувофиқ, агар гаровга қўювчининг гаров нарсаси бўлган мол-мулкка нисбатан бўлган мулк ҳуқуқи қонун билан белгиланган асослар ва тартибда, давлат эҳтиёжлари учун олиб қўйилганлиги (ҳақини тўлаб олиш), реквизиция ёки национализация қилиш оқибатида бекор бўлса, гаровга қуювчига бошқа мол-мулк берилади ёки тегишли ҳақ тўланади. Бундай ҳолда ўрнига-ўрин берилган мол-мулкка гаров ҳуқуқи татбиқ этилади ёки тегишлича, гаровга олувчи гаровга қўювчига тегиши керак бўлган ҳақ суммасидан ўз талабини имтиёзли қаноатлантириш ҳуқуқига эга бўлади.

Гаров нарсаси бўлган мол-мулк аслида ушбу мол-мулкнинг эгаси бошқа шахс эканлиги (ушбу кодекснинг 228-моддаси) асосида ёки жиноят ёхуд бошқа ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун (ушбу кодекснинг 204-моддаси) гаровга қўювчидан Қонунда белгиланган тартибда олиб қўйилган ҳолларда ушбу мол-мулкнинг гаровга қўйилиши бекор бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳолларда гаровга олувчи гаров билан таъминланган мажбуриятни муддатидан илгари бажаришни талаб қилишга ҳақли бўлади.

**Спорт**

## СЕРВЕР ЖЕПАРОВ — «ЙИЛНИНГ ЯХШИ ЎЙИНЧИСИ»

Ўзбекистон Футбол федерацияси 2003 йилнинг энг яхши ўйинчиси, мураббийи, ҳаками ва жамоаси номларини эълон қилди.

Олий лига жамоалари бош мураббийлари ўртасида ўтказилган сўров якунига кўра, XII миллий чемпионатимиз бўйича «Йилнинг энг яхши ўйинчиси» номинациясига «Пахтакор» (Тошкент) ва Ўзбекистон терма жамоалари ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров муносиб топилди. Хориж клубларида тўп сураётган футболчиларимиз ўртасида эса «Йилнинг энг яхши ўйинчиси» соврини Украинанинг «Динамо» (Киев) ҳамда Ўзбекистон терма жамоалари ҳужумчиси Максим Шацкихга насиб этди.

Ўзбек футболи тарихида биринчи бўлиб жаҳон чемпионатида иштирок этган мамлакат ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Виктор Борисов «Йилнинг энг яхши мураббийи» номинацияси ғолиби бўлди. Бу хоролик Ноил Лутфуллин эса «Йилнинг энг яхши ҳаками» соврини қўлга киритди. XII миллий чемпионат ғолиби, 2002-2003 йилги Ўзбекистон кубоги соҳиби, Осиё чемпионлари лигаси ярим финалчиси «Пахтакор» (Тошкент) жамоаси «Йилнинг энг яхши жамоаси» номинациясига лойиқ топилди.

Мавсум давомида рақиблар дарвозасига бир хил — 26 тадан тўп киритган Шуҳрат Мирхолдиршоев («Навбаҳор») ҳамда

Марсел Идиатуллин («Қизилқум»)лар ЎФФнинг «Йилнинг энг яхши тўпурари» номинацияси учун таъсис этилган қимматбаҳо совғалари билан тақдирландилар.

**Суратда:** Сервер Мепаров

**Интер-спорт**

## ПОРАХЎРЛИКДА АЙБЛАНМОҚДА

Жаҳон таэквондо уюшмасининг бошлиғи, Халқаро олимпия қўмитасининг вице-президенти Ким Ун-Юн Жанубий Корея олимпия қўмитаси раҳбарларидан пора талаб қилганликда айбланмоқда. Шу ойнинг бошида прокуратура вакиллари Ким Ун-Юннинг ишхонаси ва уйида тинтув ўтказиб, сейфдаги барча ҳужжатларни қўлга киритишди. Бундай тинтув ўтказилиши кўпчиликни ҳайратга солди. Албатта, прокуратура унинг қўлида қанча сармоя сақланганини айтишни истамади. Лекин Ун-Юн талаб қилган порахўрлик оз эмас, кўп эмас бир ярим миллион доллар экани маълум бўлди.

## ЭНГ ЯХШИ СПОРТЧИ

Лондоннинг «Арсенал» футбол жамоаси ҳужумчиси, Франция терма жамоасининг ўйинчиси Тьерри Анри йилнинг энг яхши спортчиси номига сазовор бўлди. Франциядаги нуфузли нашрлардан ҳисобланган «Ouest-France» ўтказган савол-жавоблардан кейин ана шу нарса аён бўлди. Франциянинг энг яхши спортчилари қаторига, шунингдек, теннисчи Амели Моресмо, эстафетали югуриш бўйича аёллар гуруҳи ва баскетболчи Тони Паркерлар ҳам киритилган.

## ФИГУНИНГ НАРХИ ҚАНЧА

Португалиялик футболчи Луиш Фигунинг нархи тобора кўтарилмоқда. Ваҳоланки, унинг «Реал» (Испания) жамоаси билан тузган шартномаси 2006 йилнинг июнида тугайди. Шунга қарамай, бу футболчини сотиб олишга «Милан», «Манчестер Юнайтед» ва «Челси» жамоалари талабгорлик қилишмоқда. «Челси» раҳбари Роман Абрамович эса «Реал» мутасаддиларидан Фигунинг нархи қанча эканлигини сўрамоқдан. Фигунинг ўзи эса футболдаги спорт ҳаётини Англияда ўйнаш билан якунлашни ихтиёр этмоқда.

## АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ ЮРТДОШЛАР!

*Сизларнинг ҳар биригизни кириб келаётган янги «Меҳр ва мурувват йили» билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Ҳаммаларингизга сиҳат-саломатлик тилаймиз, оилаларингизда осуда, ширин, қайноқ ҳаёт завқи муттасил таралиб турсин. Барчамизга 2004 йил баракали бўлиб, муборак тарихимизга ва дилларимизга муҳрланиб қолсин.*

*Меҳр ва мурувватдек юксак миллий фазилатлар ҳар биримиз ҳаётимизда намоён бўлган қутлуғ йил бўлгай.*

**Халқаро Шароф РАШИДОВ хайрия фонди Марказий Кенгаши ҳайъати**

## Ҳикматли сўзлар маъноси

### КЎП БИЛГАН ОЗ СЎЗЛАР, ОЗ СЎЗЛАСА ҲАМ, СОЗ СЎЗЛАР

Кўп билган, яъни кўп ўқиган, кўпни кўрган, тажрибали, ақлли, доно одам одатда кўп гапирмайди, арзир-арзимас гапни чўзиб, эзма-чуруклик қилиб ўтирмайди, бировга айтмоқчи бўлган гапини, билдирмоқчи бўлган фикрини қисқагина, лўндагина жумла ё жумламалар билан аниқ-равшан қилиб тушунтиради-қўяди. Эшитган одам ҳам бундан қаноат ҳосил қилади. Ўқимаган, кўпни кўрмаган, билмаган ақлсиз, аҳмоқ, калтафаҳм одам эса, бунинг аксича, ўзи билса-билмаса ҳар бир гапга аралашаверади, маҳмадоналик қилаверади, тайин-тутуриқсиз, маза-бемаза гапларини «аччиқ ичакдай» чўзиб, ҳамманинг жонига тегади, энсасини қотиради. Мазкур мақолни қўллаганда ана шуни назарда тутадилар.

### КЎПДАН ҚУЁН ҚОЧИБ ҚУТУЛМАС

Ёлғиз одам қуённи қувиб етиши, тутиб олиши — амримаҳол. Аммо, кўпчилик шундай қудратлики, ундан бошқа нарса тугул, ҳатто энг чапдаст ҳайвон бўлган қуён ҳам қутула олмайди. Бу — мақолнинг тўғри маъноси. Мажозий маъноси шуки, кўпчилик бирикиб, ҳамжиҳат бўлиб ишга киришса, ҳар қандай мушкул ишнинг ҳам уддасидан чиқа олади. Халқимиз биргина бу эмас, бошқа бир қанча мақолларида ҳам ҳамжиҳатлик ғояларини илгари суради. Уларда шахсга кўпчиликнинг, жамоанинг куч-қудрати қанчалар буюк эканлиги уқтирилади, кўпчилик билан бирга бўлиш, унга хизмат қилиш зарурлиги таъкидланади, якка-ёлғиз, жамоадан ажралиш, кўпчиликни ёмонлаш ва унга ёмонлик қилиш ёмон оқибатларга олиб келиши кўрсатилади. «Кўп ёйилса, йўқ топилар»; «Ёлғизнинг ёйи йўқолса ҳам топилмайди, Кўпнинг ўқи йўқолса ҳам топилади»; «Кўпчилик тикилса, тоғ қулайди; «Халқ пуфласа бўрон бўлар, Халқ тепинса — зилзила»; «Кўп тупурса, кўл бўлар»; «Халқни пуч дема, ичи тўла куч»; «Ўз кучингни куч дема, Халқнинг кучи — куч»; «Бор қилса ҳам халқ қилади, йўқ қилса ҳам халқ қилади»; «Элнинг кучи — эллик ботмон»; «Чивин кўплашса, филни йиқитади»; «Чумоли бирлашса, чаённи йиқар»; «Чумоли бирлашса, чаён пўстини йиртар»; «Етти чумоли бирлашиб, бир ёвни йиқитади».

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Юнусобод туман кенгаши меҳнат фаҳрийси, партия туман кенгашининг аъзоси **РАЖАБОВА Малика ая**нинг вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва қариндош-уруғларига чуқур таъзия изҳор этади.


# «Golden Wing»

## Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси акциядорлик жамияти

*янги орзулар, ажойиб режалар билан кутилаётган Янги йил билан Ўзбекистон халқи ва меҳмонларини самимий муборакбод этади.*

*Тилагимиз: хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барака аримасин. Эзгу мақсадлар йўлида омад доимо ҳамроҳингиз бўлсин.*

Golden Wing

O'zbekiston - Turkiya Qo'shma korhonasi Ochik aksiyadorlik jamiyati



BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV (Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Alisher RO`ZIYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 164
7619 nusxada bosildi
t — Тижорат материали

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 1 2 3 4 5

SOTUVDA ERKIN NARXDA